



MILLIY TIKLANISH

2 (486) ● 2018 йил 10 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 январь куни ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бугун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили рақамли телевидение қамрови 88 фоиздан 100 фоизга етказилди. Мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони 7 фоиз ошиб, 22,8 миллионга етди. 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида 7,7 триллион сўмлик ёки 2016 йилга нисбатан 26 фоиз кўп хизмат кўрсатилди. Инвестиция дастури доирасида 260 миллион доллар ўзлаштирилди.

Йиғилишда эришилган натижалар алоҳида қайд этилар экан, 2018 йилда ва яқин истикболда амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳали қилинадиган ишлар кўпчилиги, эришилган натижалар бошқа давлатларга қараганда анча паст кўрсаткичда эканини таъкидлади.

Мисол учун, ахборот технологиялари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши Жанубий Кореяда 9 фоиз, Японияда 5,5 фоиз, Хитой ва Ҳиндистонда 4,7 фоиз, Ўзбекистонда эса 2,2 фоизни ташкил этади. Буни ахборот-коммуникация ривожланиш индекси рейтингидagi 176 мамлакат орасида Ўзбекистон 95-ўринда экани ҳам исботлаб турибди.

Йиғилишда интернет тармоғига улуши қамровини кенгайтириш ва тезлигини ошириш, дастурий таъминот, телекоммуникация соҳасида етакчи хорижий компаниялар билан алоқа ўрнатиш, "Электрон ҳуку-

мат" тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилётган ишлар юзасидан ахборот берилди. Интернетдан 20 миллион аҳоли фойдаланади, деб ҳисобот бергансизлар. Бироқ, миллий интернет орқали таклиф этиладиган хизматлар доираси жуда чеклангани сабабли аҳолининг аксарият қисми интернетдан фақат "Telegram" да ёзишма учун фойдаланади холос, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда МДХ давлатлари бўйича интернетнинг ўртача тезлиги бизникидан 10 марта юқорилиги қайд этилди. Алоқа операторлари чекка ҳудудларда, автомобиль ва темир йўлларга яқин ҳудудларда телекоммуникацияларни кенгайтиришга сармоя киритмоётгани таъкидланди.

Мутасаддиларга интернет нарҳини кескин арзонлаштириш, тезлигини камида 4 баробар ошириш, 2020 йилгача эса МДХ давлатлари даражасига етказиш чора-тадбирларини кўриш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Бугун "Хавфсиз шахар" ягона комплексини яратиш дастурига мувофиқ лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида 16 мингдан ортиқ видеокамера ўрнатиш, Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва Ситуация марказларини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз ҳудуд", "112" тизими, олий таълим муассасаларига имтиҳон топшириш жараёнларига видеокузатув ҳамда йўл ҳаракати қондалари бузилишларини рўйхатга олиш тизимларини жорий этиш кўзда тутилган.

Йиғилишда "Хавфсиз ҳудуд" ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги фармонида асосан ташкил этилган "Мирзо Улугбек инновация маркази"да 140 дан ортиқ корхонага резидент мақоми берилиб, уларда айни вақтда 1000 дан ортиқ дастури мутахассис ишламоқда. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида

энг замонавий технологиялар ва таълим услублари кенг жорий этилмоқда.

2018 йилда халқаро тажрибани, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, "2018-2021 йилларда "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш стратегияси" ни ишлаб чиқиш, "Мирзо Улугбек инновация маркази" резидентлари томонидан кўрсатиладиган ишлар ва хизматлар ҳажмини камида 2 баробар ҳамда экспорт ҳажмини 1,8 баробар ошириш, резидентлар учун чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилиш ва янги бозорларга чиқишда кўмаклашиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини уч йил ичида жаҳондаги энг обрўли 1000 университет сафига киритишни таъминлаш, соҳанинг етакчи университети ва компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижда стажировкада бўлиш ва малака оширишини кенг ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бунинг учун миллий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Мутасаддиларга дунёнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги йirik корпорациялари билан рақобатлаша оладиган миллий оператор ва дастурчиларимиз фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" компаниясининг иш самарадорлигини ошириш, телекоммуникация тармоқлари орқали халқаро телефон сўзлашувини ноқонуний амалга ошираётган субъектларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш, халқаро тажриба асосида почта тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб янада ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ЭСКИЧА КАЙФИЯТ ВА УСЛУБДА ИШЛАШ, ЎЗИБЎЛАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИШ ДАВРИ ЎТДИ

Ҳар қандай сиёсий партия давр билан ҳамнафас бўлиб, халқнинг талаб ва ҳоҳишларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак.

Ҳўш, 2017 йил давомида партия ҳудудий ташкилотлари иш самарадорлигини ошириш, партия гурuhlари фаолиятини янги bosқичга олиб чиқиш қай даражада амалга оширилди? Партия ҳудудий ташкилотлари ва гуруhlари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?

Бу саволларга ҳудудий партия ташкилотлари ва гуруhlари фаолиятдан жавоб излади.

Қорақалпоғистон. Партия ташкилотининг ишига баҳо берадиган асосий мезонлардан бири — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг қандай фаолият олиб бораётганидир. Чунки депутат зиммасига партия дастурий мақсадлари, саволлариди Платформаси, ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастурлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар қарорлари ижросини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаоти юзасидан депутатлик сўровлари юбориш каби ваколат ва вазифалар юклатилган.

4-бет

Ташаббус натижа берди

ФАХРИДДИННИНГ ЖАСОРАТИ — ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ

Ватанимизнинг ҳар бир қаричи азиз ва муқаддас. Унинг ҳимояси учун бел боғлаш шарафли иш. Ана шундай эзгу мақсадни дилига тугиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган ўғлонлар шаънига ҳар қанча таҳсин айтсак, оз. Уларнинг машаққатли меҳнати, матонатли хизматлари туфайли халқимиз осуда ҳаёт қўйишда, фаровон турмуш кечирмоқда. Мамлакатимиз йил сайин равақ топиб, тараққий этиб бормоқда.

Бундай кунларга, албатта, осонликча эришилгани йўқ. Мустақиллик йилларида ғанимлар бир неча бор пайт пойлаб тинчлигимизни бузишга, халқимизни ўзи танлаган йўлдан орқага қайтаришга уриниб кўрди. Бир неча йиллар муқаддам юртимизнинг айрим чегара ҳудудлари ва Тошкент шаҳрида рўй берган кўпуровчилик ҳаракатлари беғуноҳ одамларни, ўз бурчини сидқидилдан бажараётган садоқатли юрт фарзандларининг айримларини орамиздан олиб кетди.

...Эл-юрт тинчлигини сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жон фидо қилган милиция сержанти Фахриддин Тиркашев ҳам эндигина 32 баҳорни қаршилаган эди.

4-бет

Президент таширидан сўнг...

ВОҲАНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон тарихий қадимжоларга бойлиги, сайёҳлик қўламининг кенглиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакатдан биридир. Мамлакатимизда етти мингдан ортиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Биргина Хиванинг Ичан қалъасида 60 га яқин, Дишан қалъасида 127 тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Уларни зиёрат ва томоша қилиш учун ташириф буюрадиган сайёҳларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш, уларда мамлакатимиз, ҳусусан, ўзлари зиёрат қилган қадимжолар тарихи ва тавсифи билан яқиндан таништириш соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, жорий йилнинг 16 августда қабул қилинган "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудда сайёҳлик соҳасида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляётир.

8-бет

Қўшма йиғилиш

ЎЗМТДПНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ КЕНГ МУҲОКАМАГА ҚЎЙИЛДИ

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган, уни ҳар томонлама ривожлантиришга асос бўладиган дастуриламал ҳужжат сифатида кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилмоқда, ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинмоқда. Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг йиғилишида ҳам ушбу Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар, уларни амалга ошириш бўйича партия фракциясининг чора-тадбирлар режаси муҳокама қилинган эди. Қўшма ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракциянинг қўшма йиғилишида мазкур чора-тадбирлар режасини янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

3-бет

Фракция позицияси

МЕДИАТОР КИМ, ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ НИМА, ДАРЁ ЎЗАНЛАРИ УЧУН КИМ МУТАСАДДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириляётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қону лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. ЎзМТДП фракцияси аъзолари қону лойиҳалари юзасидан фракция позициясини билдирган ҳолда фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

2-бет



MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!



"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!



газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр курсаткичи — 158

Фракция позицияси

МЕДИАТОР КИМ, ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ НИМА, ДАРЁ

ЎЗАНЛАРИ УЧУН КИМ МУТАСАДДИ?

БУ БОРАДАГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҚИЗГИН МУҲОКАМАСИГА САБАБ БЎЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Мухтабар ХУСАНОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Кўйи палатада биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинган "Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда низолини мустақил шахслар — медиаторлар иштирокида бартараф этишнинг муқобил усулларини ривожлантириш, судлар зиммасидаги юкни енгиллаштириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Медиация — можорони холис, адолатли, бундан манфаатдор бўлмаган учинчи томон — медиатор иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли. Медиатор томонларга низо юзасидан муайян битим тузишга ёрдам беради. Медиацияда томонлар низолини бартараф этишга ҳамда уни ҳал этиш шарт-шароитларига доир қарор қабул қилиш жараёнини тўлиқ назорат қила оладилар.

Низоларни ҳал этишда медиацияни қўллаш вақтни тежаш ва низолашувчи томонлар — фуқаролар, ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъект-

ларининг суд ҳаражатларини қисқартириш имконини беради. Улар юзгага келган низоларни судгача олиб бормасдан, адвокатларни жалб этмасдан ва суд муҳокамаси билан боғлиқ давлат божи ва ҳаражатларни тўламасдан ўзаро манфаатли шартлар асосида ўзлари учун қулай жой ва вақтда тез ҳамда арзон ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан ҳар қандай низолини халқимизга хос муро-са-ю мадора йўли билан ҳал этишга интилиш каби дастурий вазифалар билан тўла уйғун ва ҳамохандир. Фракциядошларимиз партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, "Медиация тўғрисида"ги қонун лойиҳасига оид тақлифларини билдириб, уни маромига етказишда фаол иштирок этади. Зеро, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши низоларни судга қадар бартараф этиш соҳасида юзгага келувчи муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва кенг қўлламлилигини таъминлайди, самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратди.

Шухрат ТҲУТАБОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналишда амалга оширилётган ислохотларда, энг аввало, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш дўстлар аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бу борада белгилаб берган вазифаларга мувофиқ тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш биринчи галдаги масалалардандир. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскирган меъёrlарни бартараф этиш мақсадига қаратилган. Зеро, давлат харидлари соҳасида давлат харидларининг барча субъекти учун қулай муҳитни шакллантириш, давлат харидларини амалга ошираётган вақтда коррупция ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашиш муҳим ҳисобланади.

Хўш, давлат харидлари нима? Давлат харидла-

ри — буюртмачиларнинг товар, иш ва хизматларни тўлиқ ёки қисман қўлга киритиши. Улар бюджет тизими маблағлари ва бошқа фонд ҳамда давлат ташки кредитлари ва чет эл грантлари эвазига харид қилинади. Халқаро тажрибани ўрганганимизда, АҚШ, Чили, Россия, Беларусь ва Қозғоғистон сингари мамлакатлар давлат харидларининг энг самарали тизимига эга экани, уларда хариднинг бутун жараёни ягона ҳужжат — қонун билан тартибга солинганлиги оғён бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат харидларининг махсус ахборот порталини очиб назорат тўтилмоқда. Бу давлат харидлари тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди. Шунингдек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат харидларининг аниқ тизими йўлга қўйилишига, бюджет маблағлари ва бошқа молиявий маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Натижада соҳада соғлом рақобат муҳити мустаҳкамланади. Фракциямиз аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, ўз тақлифларини билдирдилар.

қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун муайян тартибда маъмурий жавобгарликни белгилаш назорат тўтилмоқда. Амалдаги қонунчиликка қўра, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган. Янги қонун лойиҳасида эса фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солиш тақлиф этилмоқда. Шунингдек, тақрор содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жарима миқдорини фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирми бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз бараваригача қўтариш қўзда тутилган.

Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар, аммо айрим меъёrlаридан номуносивликлар мавжудлигини, уларни қонун лойиҳасининг концепциясига мувофиқлаштириш зарурлигини қайд этдилар. Бу борада қатор тақлиф-тавсия, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қонун лойиҳасидан қўзда тутилётган мақсад партия дастурий гояларига муштарак ҳолда атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, қазилма бойликларни, табиатимизни асп ҳолича асраб-авайлашга қаратилгани билан аҳмиятлидир.

2017 йил якунига қадар Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган 15 та қонун лойиҳаси ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлари муҳокамасига юборилиб, улардан олинган тақлифларнинг қарийб 300 таси масъул кўмиталарга тақдим этилди.

Президентимизнинг парламента Мурожаатномасида ҳам ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва тақлифларни қўйишдан — фуқаролардан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан олиш, қонун лойиҳаларини кенг аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланиш зарурлиги яна бир қарра қайд этилди. 2018 йилда фракциямизнинг бу борадаги фаолиятини кучайтиришни, партия ташкилотлари ходимлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришни мақсад қилганимиз. Айни пайтда юқорида тилга олинган ва бошқа қонун лойиҳалари ЎзМТДП вакиллари эътибори ва муҳокамасига ҳавола этилди. Ушбу амалиёт қонунларимизнинг янада халқчиллиги ва ҳаётийлигини таъминлайди.

Мухтарам КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Қонунчилик палатасида

Саломатлик — тўман бойлик. Халқимиз инсон саломатлигини ҳар қандай моддий бойликдан устун қўяди. Иссиқ жон борки, бетоб бўлма-ликнинг имкони йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг ўзида тиббиёт соҳаси вакиллари билан бир неча бор учрашгани, буларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар тақдирини таҳлил қилингани, тиббиёт соҳаси олдида турган муҳим вазифалар, муаммо ва камчиликлар муҳокама этилганидан ҳам мақсад ягона — одамларнинг соғ-саломат яшашини таъминлаш.

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎМИТАГА МАСЪУЛ БЎЛДИ

Бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар асосида соҳага замонавий ёндашувлар жорий этилмоқда. Хусусий тиббиёт ривожлантирилиб, дунё тиббиётидаги энг илгор тажрибаларнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига изчил жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, тиббиёт марказлари фаолиятини тубдан яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизимини жонлантириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга доир муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Аммо жойлардаги ўрганишлар, аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасига оид мурожаатлари соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар талай эканлигини кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу боис Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида бугун биронта ҳудудда ҳам соғлиқни сақлаш тизими аҳоли учун муносиб хизмат қиладиган даражада ташкил этилганини, Қонунчилик палатаси ўз иш фаолиятида асосий эътиборни тизимдаги ана шу муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратиши мақсадга мувофиқлиги, соғлиқни сақлаш масалалари бўйича алоҳида кўмига ташкил этиб, унинг аъзолари асосан ҳудудларда фаолият кўрсатиши тақлифини билдирган эди.

Парламент кўйи палатасининг 4 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Қонунчилик палатасида янги — Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасини тузиш бўйича қарор қабул қилинди ҳамда кўмитанинг таркиби сайланди. Мазкур кўмитанинг асосий фаолияти аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш, ушбу соҳада қонунчиликни амалиётга самарали таътиб этишга қўмақлашиш ҳамда парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириб, соҳа ривожига ҳисса қўшишга қаратилгани билан эътиборга молик.

— Давлатимиз раҳбари инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт

масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига устувор аҳамият қаратиб келаётгани нафақат бугунги кун, балки узоқ истиқбол учун миллат генофондини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ўзига хос стратегик йўл сифатида намоён бўлмоқда, — дейди Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиёв. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган кўмитамиз соҳадаги ислохотларга қўмақдош бўлиб, парламент назоратини ўрнатган ҳолда соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш йўналишидаги ислохотларнинг ижроси самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Албатта, соҳада жорий этилган парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратининг бугунги ҳолати ва унинг натижалари қониқарли эмас — бу борадаги фаолиятни амалий ҳаракатлар билан тақомиллаштириш, соҳа ривожини, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини юқори босқичга қўтариш лозим. Шу маънода кўмитамиз аъзолари аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан бевоқиф ҳудудларда фаолият юритиб, парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширган ҳолда тиббиётни аҳолига яқинлаштириш борасида аниқ тақлифлар тайёрлайди, соҳага доир қонунлар ижросини ўрганади ҳамда бу борадаги қонун ижодкорлиги жараёнини фаоллаштиришга эътибор қаратади. Айни пайтда кўмитанинг йиғилишини ўтказиб, Президентимиз биздан кутаётган натижа нима, деган савол асосида олдимизда турган вазифаларни белгилаб олдик. Кўмига аъзоларини ҳар бир ҳудудга бириктириш ҳамда асосан ҳудудларда фаолият кўрсатиш бўйича аниқ бир тизимни жорий этишга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, мазкур кўмига зиммасига юкланган масъулият катта, вазифалар кўлами кенг. Бу кўмига аъзоларидан

янада фаол ҳаракат қилишни, илгор гоя ва ташаббусларни илгори суришни талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, мазкур кўмигага ЎзМТДП фракцияси масъул бўлди. Бу, албатта, партия ва унинг фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Барча даражадаги депутатлар ва партия ташкилотлари ўз ваколатларидан унумли

фойдаланган ҳолда самарали ҳаракат қилишлари, жойларда аҳолининг тиббиёт соҳасига оид мурожаатларини ҳал этишга қўмақлашиши, фракция ва кўмигага бу борадаги тақлифларини тақдим этиб боришлари лозим бўлади. Бу, ўз навбатида, партия сайловолди Платформасида соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.



Феруза ИБРАГИМОВА, Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчилик палатасида ташкил этилган мазкур кўмига кўйи палатанинг бу борадаги фаолиятини янада кучайтириш, депутатларнинг соҳа тараққиётидаги иштирокини кенгайтириш. Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳасини янада тақомиллаштириш юзасидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан ижро ҳоқимияти олдида масалани қатъий ва қўндалан қўйиш орқали уларни ҳал этиш кўмига назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Шунингдек, кўмига аъзолари соҳага оид мавжуд қонунларни инвентаризациядан ўтказиб, қонун ижодкорлиги жараёнида инновацион гоялар ва технологияларга алоҳида эътибор қаратиши, бунда ушбу ҳужжатларнинг аҳоли ўртасида кенг муҳокамасини ташкил этиши лозим. Энг асосийси, соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинадиган қонунлар халқимиз манфаатларини тўла ақс эттириши ва оддий одамлар буни ўз ҳаётларида тўла ҳис қилишларига алоҳида эътибор қаратиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Мухтарам РАМАЗОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

САЙЛОВНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича ягона матбуот марказида сайловнинг якуний натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақида маълумот берилди.



Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Ҳамид Каримов ташкил этилган барча 330 сайлов округидан депутатлар тўлиқ сайланганини маълум қилди. Сайловда Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган 1 миллион 560 миңдан зиёд сайловчининг 1 миллион 267 миңдан ортиги иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 81,2 фоизини ташкил этади.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 137, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 54, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 49, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 37, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 53 нафар

номзод депутат этиб сайланди. Сайланган депутатларнинг таркиби хусусида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, 330 депутатнинг 254 нафарини эркаклар, 76 нафарини аёллар ташкил этади. 20 нафар депутат эса 30 ёшга бўлган ёшлардан иборат. Депутатларнинг 87 нафари иқтисодчи, 34 нафари ҳуқуқшунос, 61 нафари педагог, 43 нафари шифокор, 55 нафари муҳандис ва 50 нафари бошқа касб эгаларидир.

Таъкидлаш жоиз, 2017 йил 29 августда давлатимиз раҳбари томонидан "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонун имзоланиб, пойтахт туманларида халқ депутатлари Кенгашини тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган эди.

Бугун пойтахтимиз туманлари кун сайин ривожланиб, янги иқтисодий имкониятларга эришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир туманда самарали назорат ўрнатиш эҳтиёжини юзга келтирди. Шу нукта назардан туман Кенгашларининг ташкил этилиши депутатлик назоратини ўрнатиш, қолаверса, ҳудудлар ривожига қаратилган янги тақлиф ва ташаббуслар билан чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Туманлар даражасида маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш, шунингдек, туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаб, муҳим қарорлар қабул қилиш имконини беради. Ҳудуддаги муаммо ва масалалар халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари аралашуви ҳамда кўмаги билан жойида ҳал этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашлари мазкур сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиш мақсадида сайлов жараёнига пухта тайёргарлик қўрди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ партиямиз 54 нафар депутатлик ўрни билан иккинчи ўринни эгаллади. Бу билан ЎзМТДП ўз депутатлари воситасида пойтахт туманларида кечётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, партия дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлди.

Эслатма: сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йил мамлакатимизда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловга амалга оширади.

Ўз мухбиримиз



Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудуди бунёдкорлик майдонига айланди, тадбиркорлик фаолияти изчил қўллаб-қувватланмоқда. Аммо бу жараёнда ўрнатилган қонун-қоида ва тартибларни бузмасдан ҳаракат қилиш муҳим масаладир.

Дарёлар ўзанлари ва сув муҳофаза минтақаларида юзгага келган вазият таҳлили бу борада қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу минтақаларда жойлашган ер қазри ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан руҳсатсиз ё тартибсиз фойдаланиш, қўм-шағал материалларининг назоратсиз қазиб олиниши оқибатида ер усти ва ер ости сувлари камийиб, ифлосланиб бормоқда, сув ҳавзалари, ўсимлик дунёси, газ, сув қувурлари ва кўприкларга зиён етмоқда. Қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар дарёлар ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари, қўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қўм-шағал материалларини руҳсатсиз қазиб олиш учун шарт-шароитлар яратмоқда.

Қонунчиликдаги бу каби бўшлиқларни тўлдириб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва



Дониёр ЭРКИНЖОНОВ, ЎзМТДП фракциясининг ижрочи котиби:

— Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаётганига алоҳида ургу бериб, қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этишни тақлиф этган эди. Муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, тақлиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, янада тақомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсада мувофиқлиги айтилган эди. ЎзМТДП фракцияси айни шу мақсадда кўйи палатада биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларини партия Марказий кенгаши, унинг ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ходимлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, электрот вакиллари муҳокамасига тақдим этиб келмоқда.

Қўшма йиғилиш

«Давоми. Бошланиши 1-бета»

Қўшма йиғилишда партия Марказий кенгаши ва фракция аъзолари, Марказий кенгаш Ижроия қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

борилаётган ислохотларга кўмаклашиши, айниқса, жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда янада фаол ва ташаббускор бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир таклиф қисқа муддат ичида ҳаётга татбиқ этилди — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик

ЎЗМТДПНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ КЕНГ МУҲОКАМАГА ҚЎЙИЛДИ



Йиғилишни партия Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов олиб борди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари бағишланган Мурожаатномаси тарихий ҳужжат сифатида фаолиятимизнинг асосий дастуриламали бўлади, — деди фракция раҳбари. — Мазкур Мурожаатномада баён этилган вазифалардан келиб чиқиб, фракцияимизнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 6 бўлим, 20 банддан иборат мазкур режада 50 га яқин долзарб ва муҳим масалаларни ҳал этиш механизмлари белгиланган. Хусусан, Президентимиз Мурожаатномасини кенг тарғиб-ташвиқ этиш, унда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ташаббуси, парламент назорати йўналишида аниқ вазифалар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини олишнинг амалга ошириш, қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция қабул қилиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш, “Хуқуқий муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқа қонунчилик ташаббуслари шулар жумласидир. 2018 йилда кучга кирадиган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг амалда ижро этилишини таъминлашга доир чора-тадбирлар диққат марказимизда бўлади. Бундан ташқари, фракцияимизнинг бу йилги иш режасида партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда янги туристик йўналишлар очиш, зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва амалий таклифлар тайёрлаш, моданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тизими самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур чора-тадбирлар режасини бой-итишимиз, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларнинг таклифларини ҳам ўрганган ҳолда янада такомиллаштиришимиз зарур. Айни шу мақсадда мазкур режа партия ташкилотлари ходимлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳокамасидан кейин қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, Мурожаатномада тилга олинган ҳар бир йўналишдаги устувор вазифалар эътиборимиздан четга қолмаслиги, ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашган ҳолда иш олиб боришимиз лозим.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир таклиф қисқа муддат ичида ҳаётга татбиқ этилди — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик

муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди. Парламент аъзолари фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самардорлигини ошириш, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги ишлари сифатини тубдан яхшилаш мақсадига қаратилган ушбу институт парламентнинг фаоллиги, ислохотлар жараёнидаги роли ва таъсири ошишига хизмат қилади. Энг муҳими, халқчил, ҳаётий қонунлар қабул қилиш, пировардида мамлакатимизнинг жадал тараққий этишида алоҳида аҳамият касб этади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф-таъсияларини билдирди. Жумладан, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари ҳудудларга чиққанида партия дастурий вазифаларига мос равишда “Баркамол авлод” марказлари фаолиятини ўрганиши, уларнинг моддий-техник базаси талаб даражасидаги, ёшларнинг ижодий ва инновацион ғояларини амалга ошириш учун имконият ва шарт-шароитлар етарлими, деган саволларга жавоб излаши лозимлиги таъкидланди. Президентимиз айтиб ўтганидек, ҳудудларда ташкил этилган ижод мактабларига кириб, уларнинг фаолияти билан танишиш, ижодкор ёшларга шахсий намуна бўлиш лозимлиги қайд этилди. Бунда, айниқса, ЎЗМТДП депутатларининг шахсий ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳудудларда оҳолининг кенг қатламлари билан очиқ мулоқот олиб бориш, уларнинг муаммоларини, таклифларини ўрганиш фракция аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасидаги муҳим вазифа сифатида қайд этилди. Фуқороларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш депутатлар учун ўз фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга, халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда чора-тадбирлар белгилаб олишга асос бўлади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Мурожаатномада давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Бу механизмнинг шаффоф ва самарали ишлаши кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолиятига боғлиқ. Шу боис уларнинг роли тубдан оширилди, ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗМТДП гуруҳлари ўз вазифа-ваколатига жиддий масъулият билан ёндашиши, аҳоли мурожаатларига бепасанд бўлмаслиги ва фуқороларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши, аниқ таклифлар, қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсатиши лозимлиги қайд этилди.

Қўшма йиғилиш якунида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг чора-тадбирлар режаси”ни жойлардаги партия ташкилотларида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳамда электрор вакиллари билан кенг муҳокама қилиш ва таклифлар олиш, шу асосда уни янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

Мухтарома КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Депутат фикри

ХАЛҚ ИШОНЧИГА ЭРИШИШ: ЯГОНА ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИ

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномаси бугун мамлакатимиз ҳаётида янги босқични бошлаб берган энг муҳим воқеалардан бири сифатида кенг жамоатчилик муҳокамаси ва эътибори марказида турибди. Мазкур тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг ўрганилмоқда, келгусидаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ билан сўхбатимизда ҳам Мурожаатнома мазмунини, унда илгари сурилган гоя-ташаббуслар ва белгилаб берилган вазифалар ҳусусида сўз борди.

— Дунёдаги аксарият тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятнинг демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд. Шу маънода Ватанимиз тарихида Президентимиз илк бора Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этгани бугун Ўзбекистонда олиб борилётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига гоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Акмал Эргашевич, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси қандай? Давлат раҳбарининг Мурожаатнома билан чиқиши мамлакат ҳаётида нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга?



— Президентимиз бу тарихий Мурожаатномани парламент вакиллари тимсолида бутун халқимизга йўллаб, одамлар эътиборини яна бир бор мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ўзгаришларга қаратди.

Бу тажриба мамлакатимизда илк бор амалиётга татбиқ этилганга қарамай, у дунёнинг илгор давлатлари демократик бошқаруви тажрибасига тўлиқ мос келади. Қолаверса, мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Ўзбекистон Республикасининг Президенти” деб номланган XIX боби 89-моддаси биринчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” ҳамда 93-модданинг 7-бандидаги “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади” деган конституциявий меъёрлар ижросини рўйбга чиқаришга қаратилган.

Давлат раҳбарларининг ҳар йиллик расмий Мурожаатномалари ёки номлари охириги икки аср мобайнида институционал жиҳатдан мустақкам шаклланиб, давлат етакчиларининг ўзига хос мулоқот воситаси сифатида халқ ва жамият билан ўзаро стратегик муносабатларни йўлга қўйишда марказий ўринни эгаллаб улгурди. Шу боис айрим давлатларда у халққа, бошқаларида парламентга мурожаат деб номланади. Кенг маънода давлат раҳбарларининг расмий номлари институти мамлакат ва дунёдаги жорий вазиятга стратегик молик ушбу ҳужжатини мамлакатимизда босиб ўтилган йўлни таҳлил этган ҳолда яқин келажагимиз учун бор имкониятларни ишга солиш, кучларни бирлаштириш, вазифаларни аниқлаштириш, муаммоларни дадил кўтариш, муҳокама этиш ва ижросини таъминлаш бўйича ўзига хос “Йўл харитаси”, деб аташ мумкин.

— Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини оширишда парламент, сенатор ва депутатларнинг ўрни ва ролига алоҳида тўхталиб, парламент фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил қилди. Бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди...

— Мазкур дастурий ҳужжат нафақат парламентга, моҳиятан ёндашганда, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимидаги

барча давлат органларига қаратилган Мурожаатнома ҳисобланади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қайси соҳа, қайси йўналиш бўлмасин, бизнинг фаолиятимизга асосий баҳони халқимиз беради, бундан буён бошқача бўлмайди. Шу боис 2017 йилга назар ташлар эканмиз, бир йил давомида амалга оширилган асосий ишлар сарҳисоби бизни қанчалар қувонтирмасин, буларнинг барчаси дастлабки натижалардир. Биз ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. Бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Ягона йўл — демократия йўли.

Президентимиз парламент халқнинг дарди ва муаммоларини ҳал этишда, фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқаришга кўмаклашадиган “тафаккур маркази” вазифасини бажариши зарурлигини алоҳида қайд этди. Бундан биз депутатлар тегишли хулоса чиқаришимиз керак. Қонун ижодкорлиги жараёнида фаол бўлиш, мамлакат тақдирига дахлдор масалаларда илгор ташаббусларни илгари суриш, масъулиятни ҳис этиш, кечаётган воқеаларга бефарқ бўлмастик талаб этилади.

Президентимиз борча соҳа ва тармоқларда олдимизда турган мақсад-вазифалар ҳусусида тўхталар экан, аввало, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Масалан, халқаро меъёр ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳамда “Хуқуқий муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги, “Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш сингари қатор қонунчилик таклифларини илгари сурди. Бу вазифалар, албатта, парламент, сенатор ва депутатлар зиммасига катта масъулият оқлайди. Шу маънода мазкур Мурожаатнома мазмун-моҳиятини ўрганиш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадига Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, шу жумладан партияимиз фракцияси йиғилишлари ўтказилди ва Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ўз назоратимиздаги қўмиталар йиғилишларида ҳам асосий вазифалар белгиланди. Жумладан, мамлакатимизда олиб борилётган Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида Президентимиз илгари сурган “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси концепцияси юзасидан партияимиз фракцияси қўмиталар ва депутатларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазаларини тайёрлаш бўйича ишларни бошлаб юборди.

Шунингдек, бошқарув соҳасида ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлардан, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратамиз. Бу йўналишда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, уларнинг натижаларини Қонунчилик палатасида кенг муҳокама қиламиз. Натияжада, бошқарув соҳасида ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон-тартибларни жорий этишга қаратилган таклифлар тайёрланади. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббуслари парламент аъзоларининг доимий эътиборида бўлиб, асосий иш дастурида ўзининг амалий ифодасини топади.

— Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бундан кўзланган мақсад-вазифалар ижроси мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида қандай натижа ва самаралар беради, деб ўйлайсиз?

— Президентимиз таклифи ва ғояси билан 2018 йилга Ўзбекистонда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилиши мамлакат ва халқ ҳаётидаги улкан ўзгаришларга сабаб бўладиган, ҳар томонлама чуқур

ўйланган сиёсат натижаси десак, муболага бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, фаол тадбиркорлик — бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этилган иқтисодий йўналишдир. Яъни дунё ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгаллашимиз учун бугун бошқа йўлнинг ўзи йўқ. Бундан буёғига давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш масаласи кун тартибига кўндаланг қўйилмоқда. Мураккаб замонада миллий манфаатларимизни янги фикр, янги ғоя ва инновацияга таянган ҳолда ҳимоя қиламиз. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ҳудудларда янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Албатта, XXI аср — ахборот технологиялари, инновациялар асри, унинг махсуслатларидан кундалик ҳаётимизда фойдаланамиз, аммо қачонгача истеъмолчи бўлиб қоламиз? Шу боис, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга, иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси жуда муҳим бўлиб турибди.

— Ватан ҳимоячилари кунни арафасида турибмиз. Ўтган даврда мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Мурожаатномада ҳам Президентимиз давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, олдимизда турган вазифаларга тўхталиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари сифатида бу йўналишдаги ислохотлар ҳусусидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз...

— Халқимиз 2018 йилни катта умидлар, буюк мақсадлар билан қарши олади. Ўтган йил барча соҳа каби мамлакатимиз мудофаа тизимида ҳам туб ислохотларнинг янги босқичи бошланди. Шубҳасиз, улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон ташаббуси асосида Олий Мажлиси палаталари томонидан Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Мудофаа доктринаси қабул қилиниши улкан сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Шу кунларда расман эълон қилинадиган бундай улкан сиёсий-ҳуқуқий миқёсдаги концептуал ғоялар ва қарорлар жамланган янги таҳрирдаги қонун ҳужжати мамлакатимиз янги тарихида ўз аҳамияти ва салмоғига кўра том маънодаги тарихий воқеа бўлади. У давлатимизнинг мудофаа соҳасидаги янги сиёсати устуворликларни, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларни тайёрлаш, қуриш ва қўлланилиши принципларини белгилаб берадиган илгор ҳуқуқий меъёрлар ва механизмларни яратди.

Тинчлик — энг олий неъмат, фаровон ҳаётимиз пойдевори. Уни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Биз миллий армиямиз билан фахрланамиз ҳамда Қуролли Кучларнинг Ватанимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, мусофақ осмонимиз учун масъуллиги нақадар юксаклигини чуқур англаймиз.

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, фуқоролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва бурч боғлиқ эканига оид принципни изчил амалга ошириш биз учун муҳим аҳамиятга эга. Бу тамойил тўлалигича Қуролли Кучларга ҳам тааллуқли ва асос бўлувчи омиллардан биридир. Бугун биз замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланган, ишончли Қуролли Кучларга эгамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон мудофаа соҳасида белгилаб берган янги ва муҳим вазифаларни рўйбга чиқариш учун барчамиз ҳамжиҳатликда уларни сўзсиз бажаришимиз, Ватан тақдирини ва келажагини, халқимиз бахти ва қамоли йўлида белишимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковат, билим ва тажрибамизни, садоқатимизни сафарбар этишимиз керак. Шунда кўзланган юксак марраларимизга етамиз.

“Milliy tiklanish” мухбири
Мухтарома КОМИЛОВА
сўхбатлашди.

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ЭСКИЧА КАЙФИЯТ ВА УСЛУБДА ИШЛАШ, ЎЗИБЎЛАРИККА ЙЎЛ ҚЎЙИШ ДАВРИ ЎТДИ

< Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқор Кенгеси, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашида ЎзМТДПдан сайланган 95 депутат фаолият олиб бормоқда. Партия фракцияси ва гуруҳлари 2017 йил давомида 376 депутатлик сўровини амалга оширди. Улар ташаббуси билан 24 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган, доимий комиссияларга 10 таклиф, сессияларга 27 ташаббус-масала киритилди. Бироқ мансабдор шахс ҳисоботини эшитиш, доимий комиссияларга таклиф, сессияларга ташаббус-масала киритишда сусткашликка йўл қўйилган.

Шунингдек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотлари қошида ташкил этилган Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш секторига ҳамда партия ташкил этган сайёр қабулларда аҳолидан 216 мурожаат тушган бўлиб, 121 мурожаат ижобий ечим топган, 31 мурожаат бўйича мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилган. Қолган 64 мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилган.

Ўрганишлар натижасида амин бўлдики, бу эришилган натижалар ҳам кам сонли депутатларнинг сай-ҳаракатлари эвазига амалга ошган. Айрим депутатлар фаолиятидаги сусткашлик, жойларда сайловчилар ва партия электорати манфаатларининг ифода этилмаётгани ечимини кутаётган масалаларнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлаётди. Аслида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги депутатлар партия дастурий мақсадлари ва сайловдди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини изчил ҳимоя қилиш, жойларда депутатлик назоратини ташкил қилишда ташаббусни ўз қўлларига олишлари талаб этилади. Зеро, ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар фаолияти партия дастури ва сайловдди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали бажаришга, шу орқали юрт тараққоти ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Наманган. Инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш сифати ва даражасини оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига кириди. Бу борада

партиянинг Наманган вилоятидаги барча ташкилоти ўтган йил давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий Кенгашилардаги партия гуруҳлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ҳаракат қилди. Бугун куйи бўғинлар, айниқса, ҳудудий масалаларга ечим топишда электоратнинг энг яқин сўянчига айланган. Наманган вилоятидаги 12 мингга яқин ЎзМТДП аъзоси (уларнинг 6 мингдан зиёди ёшлардан иборат) 361 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Куйи бўғинлар аҳоли билан ёнма-ён туриб, ҳудуддаги мавжуд масала-муаммоларни ўрганиш, таклиф-мулоҳазаларини ҳудудий партия ташкилотлари ёхуд партиядан сайланган депутатларга етказишда бош-қош бўлишга интилади.

Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани боис партияга аъзо хотин-қизлар сони 5 минг нафардан ошди. Улар партия го-мақсадларини аҳоли кенг қатлами орасида тарғиб-ташвиқ қилишда фаол иштирок этди. Ташкил этилган ҳар бир тадбир, лойиҳа, очик мулоқот, хатто сайёр қабулларда аҳолига партия сайловдди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб, тарғиб қилинди.

2017 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия сайловдди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, аҳоли ишончини қозониш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, депутатлик сўрови юбориш ва маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала олиб чиқиш ваколатларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. 2017 йилда вилоятдаги маҳаллий депутатлик сўрови юбориш ва маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала олиб чиқиш билан 31 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Дойимий комиссияларга 20, маҳаллий Кенгаш сессияларига 22 ташаббус-масала олиб чиқилди.

Партия ташкилотлари қошида ташкил этилган Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш секторига ҳамда сайёр қабулларда 257 мурожаат келиб тушган. Улардан 94 тасига ижобий

ечим топишган, 108 масала юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилган. Қолган 54 мурожаат бўйича фуқароларга тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳат берилган.

Кузатиш ва таҳлиллар ижобий натижалар билан бирга, 2017 йилда маҳаллий Кенгашилардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятида ташаббускорлик ва ишчанлик кайфияти етишмаганини, сайловчилар билан доимий, мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганини кўрсатди. Айни пайтда Наманганда ЎзМТДПдан сайланган 55 депутат фаолият олиб бормоқда. Ўтган йилда 338 депутатлик сўрови юборилган бўлиб, бу ҳар бир депутат ҳиссасига 6 тодан тўғри келади. Агар депутатлар бир ойда ҳеч бўлмаганда 2 тодан депутатлик сўрови юборганида эди, бугунга қадар аҳолининг турли йўналишдаги қанча муаммоларига ечим топишган бўларди.

Фидойилик, жонқурлик, қатъиятлик, одамлар тақдирига бефарқ бўлмастик, уларнинг дорди билан яшаш, муносиб ҳаёт шароитини яратишга кўмаклашиш депутатларимизнинг асосий вазифасига айланиши зарур. Президентимизнинг одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган сўзларидан хулоса чиқариб, 2018 йилда халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз фаолиятини янада такомиллаштириши, "депутат сифатида бу борада нима иш қилдим, сайловчиларнинг муаммоларини ечиш, эҳтиёлларини қондириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?" деган саволларга ёруғ юз билан жавоб бериши лозим. Бинобарин, халқ вакиллари ўзларига билдирилган ишончини оқлаш учун аҳолини ўйлантираётган муаммоларидан боҳабар бўлиши, уларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриши, бир сўз билан айтганда, "халқ виждони"га айланиши жоиз. Шунингдек, партия ташкилотлари ҳам ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жароғинида фаол иштирок этиши, янги го-ва ташаббусларни амалга ошириши ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мурожаатномадан сўнг...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонуничилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси янги воқелик, мамлакатимиз тараққийетиши янги босқичга кўтариши билан бирга, халқимиз онги-қалбида ҳам туб ўзгариш ясаб олгани билан аҳамиятлидир.

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎРГАНИЛМОҚДА



Бу жиҳатлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг мазкур Мурожаатнома мазмун-моҳиятини ўрганиш юзасидан ўтказган семинарида ҳам бот-бот таъкидланди. Унда партия вилоят ва туман кенгашилари ходимлари, маҳаллий Кенгашиларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Партия вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев мамлакатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида барча соҳа ва йўналишлар бўйича ўртага ташланган масалалар Ватанимиз келажигига дахлдорлиги билан ҳеч қандай бефарқ қолдирилмагани, бу эзгу мақсадлар "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган ҳаётбахш го-ва асосларини қайд этди. Мурожаатномада барча соҳа қатори туризмни ривожлантириш борасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиши белгилангани давлатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юртбошимиз таклифи билан 2018 йилга мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик инновацион го-лар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб ном берилди. Бу тадбиркорликни, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни эркин ривожлантириш, бу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокитини, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари қонун лойиҳаларини қабул қилишда аҳолининг ҳамда жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини олиш орқали самарали мулоқот

ва муҳокама тизимини яратиш лозимлигини таъкидлади. Табиийки, амалдаги қонунлар халқ манфаатини таъминлашга хизмат қилсагина, мамлакатда юксалиш, ривожланиш бўлади. Халқ фикрини, таклифини, муаммоларини ўрганиш орқали қабул қилинган қонунлар, албатта, юрт равнақига хизмат қилади.

Семинарда партия вакиллари ҳамда депутатлар Мурожаатнома мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ва унда белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Шухрат ҲАЙДАРОВ,
ЎзМТДП Гиждувон туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг парламент аъзоларига Мурожаатномасини барчамиз катта қизиқиш билан тингладик. Айниқса, унда Самарқанд, Бухоро, Ташкент шаҳарларидаги муқаддас қадимжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган "кичик ҳаж" дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш, бунда ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги борасида билдирилган таклифлар кўнгилдаги гап бўлди. Хусусан, Бухородаги машҳур "етти пир" зиёратини адо этишни нафкат юртдошларимиз, балки бутун мусулмон олами чин дилдан истади. Бугун вилоятда бу борада муайян тизим, аниқ мақсадлар белгилаб қилинган, бироқ мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришимиз лозим. Мурожаатномада билдирилган таклиф ва илгари сурилган го-лар ҳар биримиздан эртанги кунга бефарқ бўлмастик, дахлдорлик туйғуси билан яшаш, юрт тақдирини масъулиятли бўлишни талаб этади.

Ҳасан АБДУЛҲУСЕЙНОВ,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши
етақчи мутахассиси

Ташаббус натижа берди

ФАХРИДДИННИНГ ЖАСОРАТИ — ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ

< Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

У ҳар доим ўзини она Ватанининг муносиб фарзанди деб билар, унга отилган ўққа қалқон бўлишга ҳамиша шай ҳолатда яшоди. Ўз ҳаётини жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳимояси билан боғлаган юрт ўғлини Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманидаги Жўш қишлоғида туғилиб ўсди. Отаси Ражаббой ака меҳнатқаш, ҳолол инсон эди. Онаси Мастура оя ниҳоятда болажон бўлиб, ҳар иккаласи ўғил-қизларининг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратарди. Шундан бўлса керак, бошқа фарзандлар қатори Фахриддин ҳам меҳнатсевар, мард ва масур бўлиб ўсди, касб-хунар ўрганиб ва энг масъулиятли ва шарафли касбини тонади — ички ишлар тизимида фаолият юрита бошлади. Халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлашни барча нарсадан устун билган бу азамат йигит, афсуски, 2004 йил 28 марти куни шарафли бурчини бажараётган чоғида пойтахтимизда содир этилган қўпоровчилик ҳаракатининг қурбонига айланди.

— Фахриддин жон ориятли, гурурли, шу билан бирга, меҳрибон йигит эди, — дея хотирлайди жўшлик 68 ёшли тобарруқ онахон Мунаввар ая Холиқулова. — У ота-онасини, туғилиб ўсган қишлоғини, жонажон Ўзбекистонимизни бутун вужуди билан севарди. Ватанини сўйган, одамларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйган Фахриддиндек асл ўғлонларимизнинг номи ҳамиша барҳаёт, хотираси эса абадийдир.

Инсон ҳамиша орзу-умидлар, режалар билан яшайди. Фахриддиннинг ҳам мақсадлари бисёр, ниятлари улкан, фарзандлари бахту икболлини кўришга орзуманд эди. Афсус, унга шириндан-шакор қизалоқлари Шаҳноза ва Шаҳзоданинг дийдорига тўйиш, ҳали туғилмаган фарзанди Ёдгоржоннинг чехрасини кўриш насиб этмади. Турмуш ўртоғи Рохияжон ҳамда қавму-қариндошларининг қалбини бугун айрилик қаттиқ ўртаса-да, Фахриддин ази жонини

Ватани, оиласи тинчлиги, ўғил-қизларининг бахтли-саодатли кунлари учун фидо қилди.

Ўз қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини шараф билан адо этган ўғлон бугун сафдошлари, ёшлар учун чинакам ибрат намунасига айланган. Шу боис халқ депутатлари Қўшрабат туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи аъзолари унинг номини абадийлаштириш ташаббуси билан чиқди. Партия гуруҳи Фахриддин Тиркашев ўқиган 56-умумтаълим мактабининг унинг номи билан аташ тўғрисидаги масалани халқ депутатлари туман Кенгашининг 2017 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган йигирма олтинчи сессияси кун тартибига киритди. Сессияда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қўшрабат туман кенгаши раиси Н.Усмонов, ЎзМТДП гуруҳи аъзоси А.Носиров сўзга чиқиб, милиция сержанти Фахриддин Тиркашев кўрсатган жасорат, унга хос бўлган ғайрат ва шижоат, чин ватанпарварлик туйғуси ҳақида гапирди. 56-умумтаълим мактаби фидойи юрт ўғлонининг номи билан аталishi шу масқанда таълим олаётган, Жўш қишлоғида туғилиб ўсётган ёшларни доворак, матонатли ва ўз юртига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Сессияда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб халқ депутатлари Қўшрабат туман Кенгаши Фахриддин Ражабович Тиркашев номини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Болалигиданоқ ички ишлар тизимида ишлашнинг мақсад қилган Фахриддин мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ кўпгина жиҳатлари ва фазилатлари билан тенгқурларига намуна бўлганлигини у билан бирга ўқиган синфдош дўсти Баҳодир Ортиқов шундай хотирлайди:

— Дўстим Фахриддин билан мактабда, сўнгра касб-хунар билим юртида бирга таҳсил

олдик. У ҳаракатчан, куч-қуввати танасига сигмайдиган шижоатли, шу билан бирга, камтарин инсон эди. Дўстим милиция формасини шунчаки киймади, балки масъулиятни, мордонвор ҳаётни зиммасига олди. Унинг довораклиги, қайнаб, жўшиб яшоши биз ва биздан кейинги авлодлар учун намуна бўлиб қолади.

— Фахриддин иқтидорли ўқувчиларимдан бири эди, айниқса, она тили ва адабиёт, жисмоний тарбия дарсларини жуда севарди, — дея эслайди устози Мамадиёр Ортиқов. — У шезь айтганда, тингларанда, бутун борлиқни унутарди. Спорт йўналишида мудом ғалабага интиларди, фанларни эса иштиёқ билан астойдил ўзлаштиришга ҳаракат қиларди. У жасур ва довораклиги туйғойли шарафли касбини эгаллади ва ўз ҳаётини сўнги лаҳзагача юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бағишлади. Эл-юрт осойишталиги йўлида ўз жонини фидо этган юртдошимизнинг номини абадийлаштириш бўйича ЎзМТДП гуруҳининг сай-ҳаракатини эшитиб, жуда қувондик. Бу ташаббус ҳудуд ёшларини ватанпарвар, халқпарвар, мард ва кўрқмас бўлиб воёга етишида муҳим аҳамият касб этади, уларни она Ватан қорига ҳамиша шай туришга ундайди.

Хотира, эъзос... Бу тушунчалар айни дамда орамиздан кетган инсонларнинг мангу ёдини улғулайди. Бугун қўшрабатликлар ҳам мард ва жасур ўғлонининг парлоқ хотирасини юрагида эъзозламоқда. Унинг барҳаёт сиймоси қалбларда мангу яшайди.

ЎзМТДП гуруҳининг бу ташаббуси эса партиянинг сайловдди Платформасида белгиланган ёш авлодни матонатли, ватанпарвар, она юртга садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросига хизмат қилади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр қабул

ИНСОН МАНФААТИ — ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ташкил этаётган сайёр қабуллар аҳоли билан самарали мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга мақбул ечим топишда муҳим омил бўлмоқда. Сайёр қабулларда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилоти ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар аҳолининг ҳар бир мурожаатини ўрганиш, муаммоларни ўз жойида ижобий ҳал этишга кўмаклашаётди.

Кува туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда Сайгузар қишлоғида истиқомат қилувчи Сайёрахон Камолова фарзандининг ўт қопида тош борлигини, бироқ жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун имконияти йўқлигини айтиб, амалий ёрдам сўради. Мурожаат ўрганилиб, ЎзМТДП Кува туман кенгаши раиси Мадийёр Туримов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутат, малакали шифокор Миродил Арслонов кўмағида беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

— Ташкил этилаётган сайёр қабуллар натижасида жуда кўп муаммолар жойида ҳал этилмоқда. Партия ҳамда фаол депутатлар кўмағида фарзандим дордига шифо топди, — дейди Сайёрахон Камолова. — Бунинг учун партия ташкилоти ҳамда малакали жарроҳ Миродил Арслоновдан бениҳоя миннатдорман.

Фурқат туманидаги сайёр қабулда Тинчлик қишлоғи аҳолиси туман марказига автобус қатнови камлиги, айниқса, кечки вақтда қатнов умуман тўхтаб қолиши аҳолига қийинчилик туғдираётганини айтиб, ушбу масалада кўмак сўраб мурожаат қилди. ЎзМТДП Фурқат туман кенгаши раиси Марғуба Мадийёрова мазкур йўналишда автобус қатновини йўлга қўйган "Легион Навбахор" масъулияти чекланган жамиятига ёзма мурожаат қилди. Натижада муаммо ижобий ҳал этилиб, Тинчлик қишлоғи

қатновчи автобуслар сони кўпайтирилди.

Оптирик шаҳарчаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Мафтуна Орипова Фарғона давлат университетига тест имтиҳонларини топширди. Лекин керакли баллни тўплай олмади. ЎзМТДП Оптирик туман кенгаши ташкил этган сайёр қабулда Мафтуна мазкур масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Партия Оптирик туман кенгаши раиси Умида Қодирова мазкур мурожаат юзасидан Фарғона давлат университетига хат қилди. Натижада Мафтуна Орипова ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни жойида ҳал этишга ҳисса қўшмоқда. Бу эса "Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун" деган эзгу го-ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётганининг амалий ифодасидир.

Зотан, халқ ўз ҳаётини рози бўлиб яшаса, мамлакат янада фаровон ва равнақ топиб бороверади.

Шарофиддин ҲАКИМОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши
матбуот котиби

14 январь — Ватан химоячилари куни

“ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ”

ЁШЛАРИМИЗНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони асосан Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилиши шонига эътибор берилди. Ушбу фармон бу йўналишдаги ишларни тўқиб қўйишга қаратилгани билан юксак аҳамият касб этади.



сони оширилиб, сифат бўйича ҳам жиддий янгиланишлар бўлди. Қолаверса, ўқитувчилар тарихига номзодларни қабул қилиш талаблари янада такомиллаштирилди.

— Мактабимизга умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган, ҳар томонлама соғлом, дастлабки ҳарбий-касбий танлов ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган мамлакатимиз ёшлари қабул қилинади, — дейди “Темурбеклар мактаби” директори Элбек Худойқулов.

Буюк саркардага муносиб ворисларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилган Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг Самарқанддаги “Темурбеклар мактаби”да бүгун 433 ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Бу ерда 10 спорт тўғрисида, ўқувчиларнинг эркин ижод қилиши ва ҳуқуқий онгини оширувчи, аниқ фанларга ихтисослашган тўғрақлар ўқувчиларнинг Соҳибқирон издошлари бўлиб етишишга хизмат қилмоқда. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган вилоятларидан келиб тахсил олаётган ўқувчилар учун барча зарур шaroит яратилган.

Ҳақли савол туғилади: хўш, аввалги ҳарбий лицейлар номи “Темурбеклар мактаби”га айлантирилгани билан тизимда қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Бунда, аввало, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий-маънавий меросини урганишга бағишланган машғулотлар ҳажми оширилиши муносабати билан ўқув режаси ва дастурларида жиддий ўзгаришлар юз берганини кўриш мумкин. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Амир Темур авлодларимиз” номи спорт мусобақаси ҳам такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг кўмаги билан ўқув-моддий базаси янада бойитилди, кўргазмали қуроллар

қулов. — Қабул қилинган ўқувчилар ҳарбий кийим-бош ва турар жой билан таъминланади. 450 ўринга мўлжалланган турар жойнинг ҳар бир қаватида бадий китоб жавонлари ташкил этилган. Энг муҳими — мактабни тугатган ўқувчиларга мамлакатимизнинг ҳарбий олий ўқув юртига ўқишга кириш учун энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдоридан кўшимча балл берилди.

Мактабда ўқувчиларнинг овқатланишига ҳам катта эътибор қаратилади. Шу билан бирга, ёш курсантларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши ҳам мунтазам назорат қилиб борилади. Мактаб шифокори Шерзод Мамадўзиевнинг таъкидлашича, ўқувчилар ёзги ва қишки таътилдан сўнг умумий тиббий кўриқдан ўтказилади. Бу ўқувчиларнинг саломатлигини таъминлаш ҳамда жисмоний машғулотлардан қўлиб кетишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

— Ота-онам, устозларимнинг берган сабоги туфайли Самарқанддаги “Темурбеклар мактаби”га ўқишга қабул қилинган, — дейди қашқадарёлик Юсуфбек Очилов. — Бу ерда яратилган шароитлар туфайли 2017 йили қаратэ бўйича республикада биринчи, Осиёда иккинчи, Қозғонистонда ўтказилган халқаро мусобақада биринчи ўринни қўлга киритдим.

Ўқув биносини кузатар экансиз, энг сўнги кўргазмали қуроллар, методик воситалар

билан жиҳозланган хоналар эътиборингизни тортади. Жисмоний машғулотлардан ташқари ўқувчиларнинг чет тилларни пухта ўрганишлари учун зарур шарт-шaroит яратилган. Буларнинг замирида ёшларга нисбатан улкан меҳр муҳассам десак, асло муболага бўлмайдди. Ўқувчиларга “Шўҳрат” медали соҳиблари Дилафрўз Нигматова, Тошкенбой Мустанов ва Сергей Отичев, ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси Олтибой Сайидов каби катта тажрибага эга устозлар тахсил бермоқда.

Самарқанддаги “Темурбеклар мактаби”га малакали ўқитувчи ва педагоглар жалб этилган. Улар Соҳибқирон Амир Темурнинг мардлиги, ташкилотчилик қобилияти ва стратегик тафаккури, кўп сонли ғалабалари, бунёдкорлик ишлари, бетақоррор шахсий фазилатларини кенг тадқиқ этишга қаратилган ўқув-услубий, илмий, бадий адабиётлар, методик кўланмаларни тўплашга олоҳида эътибор қаратади. Ахборот-ресурс маркази фондиди янада мустаҳкамлаш ва бойитиш, мавжуд адабиётлардан самарали фойдаланиш ишлари ҳам тизимли йўлга қўйилган.

— Мактабимизга “Темурбеклар мактаби” номи берилгани ҳарбий илм даргоҳимиздаги таълим сифати ва самарадорлигини оширишда, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишимизда кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди “Темурбеклар мактаби” директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шерзод Рашидов. — Жумладан, ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунинда “Тантанали ваъда” маросимини ўтказдик. Бунда вилоятимизнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Йиғилганлар мактабнинг биринчи босқичига қабул қилинган ўқувчиларнинг тантанали ваъдалари, сафда юриш бўйича кўргазмали чиқишлари гувоҳ бўлдилар. Шунингдек, мактабда “Ватан тинчлиги ва халқимиз осойишталигига хизмат қилиш — ёшларимизнинг энг олий бурчи” ғояси астида мунтазам ўрашувлар ўтказиб келинади.

Дарҳақиқат, эр киши учун Ватанини химоя қилиш олий соодат саналади. Буюк бобоқалонларга, ботир аждодларга ҳавас қилиб, уларга муносиб ворис бўлишга интилиш — фарзандларимизга хос фазилат. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг Самарқанддаги “Темурбеклар мактаби”да олиб борилаётган сазй-ҳаракат ва янгиланишлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар рўёби муҳассам.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Аскар мактуби

ПОСБОНИМАН МУҚАДДАС ЮРТНИНГ

...Хизмат бошланганига бир ой тўлганда ҳарбий қасамд қабул қилдик. Ушбу саф. Исм-шарифи айтимганда, ҳар бир аскар шахдам қадамлар билан олдинга чиқади. Қўлда қурол, дилда ғурур ва сурур билан айтимган сўзлар етмиш икки томғирга қадар сиғиб боради: “Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!”

Бу сўзлар нақадар жарангдор эшитилмасин, аскар зиммасига катта масъулият юклайди. Очиғини айтсам, бу қасамднинг ўзим учун анча илғори қабул қилган эдим. Айни қасамд қабул қилинган пайтдан бошлаб ўзимни ҳақиқий Ватан химоячисига айланганимни ҳис қилдим.

Оиламизда ҳарбийлар кўплиги сабаб болалигимдан шу соҳага қизиқшим баланд бўлган. Айниқса, тоғамнинг ўзига ярашиб турган ҳарбий либосига ҳавасим келарди. Коллежни тамомлаб, ҳарбий академияга ҳужжат топширдим. Бироқ тест синовлари натижасига кўра, ўқишга қабул қилинишим учун бир неча балл етмади.

Лекин ораум сўнмади. Шундан сўнг жисмоний ва тиббий кўриқлардан ўтиб, 2017 йилнинг февраль ойида муддатли ҳарбий хизматга отландим. Мана, муддатли ҳарбий хизмат ҳам ўз ниятисига етиб бормоқда, бироқ уйга қайтишдан кўра, шу ерда қолиб, Ватанимиз сарҳадлари дохилсизлигини таъминлаш мен учун шарафли бурча айланади.

Болалигим Тошкент шаҳрида ўтган. Кенг кўчалар, замонавий бинолар, турли кўнгилочар масканлар, ўртоқлар билан бирга қоптоқ тепиш, ота-она ва яқинлар доврасида ўтган ҳаёт — буларнинг бари беташвишу беғубор онлар бўлиб болалик хотираларимдан жой олган. Уша пайтлари бу беғубор дамларнинг асл сабабчилари ким экани ҳақида, тўғриси, тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Айни шу дамда буларнинг барини қалбим ҳис қилиб турибман.

яқинларинг гувоҳлигида шу Ватан учун умрбод содиқ ўлган бўлишга қасамд қабул қилишим... Шу онларда ўз-ўзингдан ғурурланисан, юртни химоя қилиш учун янги куч ва ғайратга эга бўлганингни ҳис қилсан.



Ҳарбий хизмат — катта ҳаёт мактаби, деб беҳиз айтишмас экан. Бунинг маъносини айни муддатли ҳарбий хизматни ўташ доврида тушуниб етдим. Ҳарбий хизмат инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънаван чиниктирар экан. Ўз йигитлик бурчини ўтаётган ҳар бир сафдошим бугун Ватанимиз нақадар буюк эканини чўқур англайди, уни химоя қилиш, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида, керак бўлса, ўз жонини фидо қилишга тайёр.

Ҳарбий хизматнинг энг ҳаяжонли ва хотирангиди умрбод сақланиб қолувчи унутилмас онлари бўлади. Бу — кенг саф майдони бўйлаб сафдошларинг билан баланд ва йўғон овозда она Ватан мадҳ этилган саф қўшиғини айтиш, сени кўргани келган ота-онанг, яқинларинг ёнига ғурур билан ҳарбий либосда чиқиб боришинг, илк бор уйингдан келган хатни ҳаяжон билан ўқишинг, командир ва хизматдошларинг,

дарслар ҳам ташкил этилган. Аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлардан тест синовига тайёрловчи ўқитувчилар аскарларга билим олишда катта ёрдам беради.

Мактубим сўнггида яна бир нарсани айтиб ўтишни истар эдим. Инсон учун Ватандан улугроқ ва муқаддас манзил-мақом йўқ. Шундай экан, уни химоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Халқимиз тинч ва осуда ҳаёт кечирishi, осмонимиз мусоффо, юртимиз гуллаб яшнаши учун унинг сарҳадларини мустаҳкам кўриқлашдан-да шарафлироқ бурч йўқ, деб ҳисоблайман. Бир сўз билан айтганда, мен шу муқаддас юртнинг посбони эканимдан фخرланаман.

Аҳмадхон СУЛТОНОВ,
Шарқий ҳарбий округидagi сержантлар тайёрлаш мактаби муддатли ҳарбий хизматчиси

Миллий гурур

Бугун жамиятимизда сиёсий партиялар том маънода мамлакатни ҳаракатга келтиривчи кучга айланиш учун кенг имконият яратилмоқда. Айниқса, партиялар тизимида ёш кадрлар сафи кенгайиб бораётгани, улар мамлакатимиз ривожини йўлида ташаббус ва тақдирлар билан фаоллик кўрсатаётгани фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishiini таъминлаш ҳамда инсонпарвар демократик давлат барпо этиш йўлида дадил қадам бўлаётгани.

“ЭНГ ФАОЛ ЁШ ДЕПУТАТ”

ЎЗМТДП ВАКИЛИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИҒОҚИ ЎТКАЗГАН ТАНЛОВНИНГ ШУ НОМДАГИ НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ БЎЛДИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар, сиёсий партиялар тизimini янада такомиллаштириш, электорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш, дастурий вазифаларни бажариш каби масалалар юзасидан билдирган танқидий фикрлари партия ташкилотлари фаолиятида дастуриямал бўлмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Дилнавоз Носирова партия сафиди меҳнат қилиб келаётган умидли ёшлардан. Асли касби ўқитувчи бўлган Дилнавоз табиятан талабчан, ёш авлод таълим-тарбияси, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашишни устувор вазифалардан деб билади. Ўқитувчиликдан депутатликка бўлган йўлни босиб ўтган қаҳрамонимиз хали ёш бўлишига қарамай ташаббускорлиги, талабчанлиги билан халқ меҳри ва ишончига сазовор бўлди. У ўзи сайланган Зарафшон шаҳри 22-“Истиқлол” сайлов округига қарашли аҳоли хондонларига бориб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, фуқаролар муурожаотларида кўтарилган муаммоларга ечим топишда тизимли ишлар олиб бораётди.

— Ҳар бир инсон кимдодир керак эдилани ҳис қилса, ўшанда у бахтиёр бўлади, — дейди Дилнавоз Носирова. — Элу юрт равнақи йўлида аҳоли билан ҳамнафас, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётганим менга ғурур бағишлайди. Уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётдан мамнулик ҳиссини туйишида камарбаста бўлиш олий мақсадимдир.

Дилнавоз шу кунга қадар ҳам анчайин ютуқларга эришган. Жумладан, 2015 йилда хотин-қизлар орасида истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар орасида сиёсий етакчиларни шакллантириш ҳамда кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган “Донлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида сиёсий партия раҳбар кадрлари учун ташкил этилган махсус ўқув курсида малака оширди.

У 2017 йилда халқ вакили сифатида давлат органлари ва мансабдор шахсларга 27 та депутатлик сўрови билан муурожаат қилди. Уларда бандлик, коммунал хизматлар, ободонлаштириш, пенсия тўловлари, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат, пластик қарточкалардан фойдаланиш ва кўллаб бошқа муаммолар кўтарилган бўлиб, муурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Д.Носирова маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан ишил олиб бориб, мавжуд муаммолар ечимида кўмакчи бўлиб келмоқда. Хусусан, ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш, уларни қонунлар ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган этиб тарбиялашда иштирок этиш, фуқароларни янги

қабул қилинган қонунлар билан яқиндан таништиришда ўз ташаббускорлигини намоён этаётди.

Аҳолининг ҳуқуқий-ижтимоий маданияти шаклланишида депутатнинг тугган ўрни бекиёс. Қачонки депутатнинг ўзи ҳуқуқий саводхонлиги юқори, халқ билан мулоқотга киришиш малакаси, уларни тинглай олиш маданияти шаклланган бўлса, шунда намунали иш олиб боради. Бугун Дилнавоз Носированинг депутатлик фаолиятида ана шу жиҳатларни яққол кузатиш мумкин. Шу боис у 2017 йил якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтказган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муқофотининг “Энг фаол ёш депутат” номиначисига ғолиб деб топилди.

— Мамлакатимизда бугун барча соҳада янги изланиш ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов. — Бу жараёнда, албатта, дадил, билимли ва ташаббускор ёшларнинг ўрни бекиёс. Дилнавоз Носирова партия сафиди меҳнат қилаётган ана шундай ёшлардан. Унинг партия ташкилотидидаги ўрни, депутатлик фаолиятини намуна сифатида кўрсатадиган эриши. Халқ билан тиллаша олиш қобилияти, ишончлиги ва фидойилик фазилатларига эга ёш депутат аҳолининг ишончи ва эътиборига сазовор бўлаётди. Камтарлик ва меҳнатсеварлик, халқ гом-таъшишию хурсандчилигини ўзиники деб билиш масъулияти унинг ютуқлари баш мезонидир. Энг фаол ёш депутат сифатида эътироф этилгани унинг меҳнатига берилган муносиб баҳо, деб биламан.



Бугун ёшларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ижроси натижасида Дилнавоз каби ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ушбу фаолиятида халқимизнинг олий қадрият деб билган ёш кадрларга давлатимиз раҳбари, жумладан, халқимиз катта ишонч билдираётди.

Оддий ўзбек қизи, оқила уй бекиси, депутат, талабчан раҳбар сифатида у ушбу ишончли халққа беиннат хизмати билан оқлаб келяпти. Бинобарин, чўқур билимга эга баркамол авлоднинг шакллантириш, янгиқа фикрлайдиган ва давр билан ҳамқадом юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Сўз ва иш бирлигига қатъий амал қиладиган, масъулият ҳамда ғайрат иш қуролига айланган Дилнавоз Носированинг келажадан умиди катта. Ана шу эзгу ният ва амал уни янги-янги марраларга руҳлантирмоқда.

Нигора НИШОНБОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

МММла

ҚЎШИҚЛАР САВИЯСИ УЧУН БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

ХОНАНДА ВА БАСТАКОРЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ТАДБИРДА ЯНА ШУ ҲАҚДА СЎЗ БОРДИ

Тўлғароқ, матни гализ, маънавиятимизга зид сўзлардан иборат қўшиқларга барҳам беришда наинки маданият соҳаси мутасаддилари, балки кенг жамоатчилик, энг аввало, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам масъулиятни ҳис этмоғи зарур. Хонандалар-чи?...

Миллий матбуот марказида “Ўзбек-концерт” давлат муассасасининг 2017 йилдаги фаолияти ва жорий йилдаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжуманида мазкур ижодий ташкилот фаолияти хусусида сўз юритилиши бораборида, ёшлар маънавиятини юксалтиришга барча бирдек масъул экани таъкидланди.

Мазкур тадбирга хонандалар, соҳанда ва бастакорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдиф этилди. “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори Одижон Абдуқаҳоров ва бошқалар мамлакатимизда миллий санъатимизни ривожлантириш йўлидаги амалий гамқўрликлар, кенг қамровли чора-тадбирлар улоғийи келаятган ёшларни теран тафаккур, юксак маънавият соҳиб этиб тарбиялашда мақсадларини кўзлашини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг тегишли бандига асосан “Ўзбекнаво” эстрада биролашмаси ва “Ўзбекракс” миллий ракс биролашмаси негизида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ташкил этилди. Мазкур муассаси фаолияти мусика, хореография ва эстрада санъатини ривожлантириш

га, халқимиз маънавияти, бетақоррор маданиятини ёритувчи юксак савияли асарлар яратишга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган.

2017 йил “Ўзбекконцерт” томонида жами 2 минг 600 дан зиёд жисмоний шахса — хонанда, сўз устаси, бошловчи, соҳанда, ракс ижрочиси, мамыур, овоз операторига, 23 ижодий жамоа — юридик шахса махсус руҳсатнома, лицензия берилди.

Ёш истеъдодли хонандаларнинг касбий ва маънавий камол топишига имкон яратиш, нафақадан устоз санъаткорларнинг самарали меҳнати, алоҳида эҳтиёжи хонандаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида 28 нафар хонанда давлат божидан озод этилиб, уларга имтиёзли равишда лицензиялар расмийлаштирилди.

Ҳисобот даврида Концертлар ва томоша тадбирларини ташкил этиш эксперт комиссиясининг йиғилишларига асосан хонанда ва жамоаларга 610 та бир маротабалик концерт-томоша руҳсатномаси берилган, сценарий ва мақсад дастуридида камчиликларни учун ўттизга яқин муурожаот рад этилган. Концерт дастурлари эксперт комиссияси томонидан қайтарилшининг асосий сабаблари — мусикий дастур ташкилотчиларига бўлган ишонсизлик, аввалги концертларда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳамда сценарийлар ғоявий

савиясининг пастлиги билан боғлиқ. “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ҳузурида “Ўзбекистон халқ артистлари клуби”нинг ташкил этилгани устоз-шоғирд анъаналарини янада ривожлантириш, моҳир санъаткорларни болалар мусика ва санъат мактабларига, санъат йўналишидаги ўрта махсус таълим масканларига бириктириш, маҳорат сабоқларини мунтазам йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Миллий ракс санъатини ривожлантириш, санъаткор одаби, ахлоқи, муомала маданияти, шоир, бастакор ва хонанда ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид давро сўбатлари мусика соҳасида меҳнат қилаётган ижод аҳли фаолиятини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

— Президентимизнинг санъатга қаратаётган юксак эътибори ҳеч бир хонанда, соҳанда, бастакорни бефарқ қолдирмапти, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — Бой мусикий меросимиз, айниқса, маком санъатини янада равнақ топтириш, миллий ракс санъатини янги босқичга олиб чиқиш, устоз санъаткорларнинг бой ижодий тажрибасидан ёшларни кўпроқ баҳраманд этиш бўйича авваллари мисли кўрилмаган амалий ишларга кўл урилмоқда.

Матбуот анжуманида “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг янги ижодий лойиҳа ва режалари хусусида атрафича сўз юритилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига

ЙЎЛ БОШИДА

Мустақилликнинг ilk чорак асрида буюк келажакнинг тамал тоши қўйилди, давлатимизнинг ҳуқуқий асослари яратилди, дунё ҳамжамиятида ўрнимизни тайин этдик. Умуман, эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқлар кўп. Шақ-шубҳасиз, буларнинг бари Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг номи ва фаолияти билан боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди ва унга мувофиқ мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бир ҳақиқат аёниқ, Биринчи Президентимиз муваффақиятларга осонликча эришмаган. Zero, қарийб саксон йиллик темир исканжадан чиқиб кетиши осон эмасди. Қўйндаги лавҳада ҳам ана шундай изтиробли, айни пайтда умидли дамлар ҳақида ҳикоя қилинади...

Дунё сиёсат империяси ўтган асрнинг сўнггида шундай улкан театр (томошаси)ни юзага келтирдик, унинг оқибатида ижрочилар ҳам, томошобинлар ҳам жабр кўрди. Муаллифлар ҳам четда қолгани йўқ. Орадан чорак аср ўтиб, ер юзининг қайсидаги пучмоғида бирор фавқулодда ҳолат (албатта, ижтимоий ҳаётда) рўй берса, экспертлар ҳамон ўша “ўйин”нинг касри борлигини эътироф этишмоқда. Бу воқеликнинг кўлами шунчалик салмоқли эканки, барча соҳаларда тарозининг палласи алмашиб кетди, қолаверса, лопиллаб қолган шайин ҳоли ҳам тўхтагани йўқ. Ўша бўҳрон (агар уни шундай аташ мумкин бўлса), жуда оддий тарафда, ҳеч бир оғрикисиз (силкинчилар бўлган, бунга одатдаги эмлаш вақти сўқиладиган нинанинг оғригидек қаралган), шундай бўлиб керакдек, табиий йўсунда содир бўлган. Ҳатто кўпчилик новбатдаги “реформа” амалга ошса, ҳаммаси жойига тушиб кетадигандек, унинг тезроқ ҳаётга тадбиқ этилишини интизорлик билан кутишган. Ҳеч нарса одамларни ҳайрон қолдирмасди. Жумладан, Қашқадарё вилоятига янги биринчи раҳбарнинг сайланиши ҳам оддий қабул қилинган.

Ўша пайтда қарор топан тартибга кўра, янги раҳбар, албатта, оммовий ахборот воситалари ходимлари билан учрашар, ўз режалари билан ўртоқлашарди. Қиш кунларининг бирида обкомнинг катта залига вилоят ва туман газеталари муҳаррирлари, радио эшитириш ва телевидение ходимлари, тақлиф қилинди. Ҳаяжонли ўша лаҳзалар ҳамон эсимда. Бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятда ҳам аҳвол ташвишли. “Пахта иши”дан жабр чекамган оила кам қолган, яна майда-чуйда ички муаммолар ҳам юзага чиқиб, одамлар юз йиллик хусуматини пеш қилиб ёқавайрон бўлиб ётган палла... Бўлиниб қолган икки қишлоқ қўшилмоқчи, бошқоси ерини қайтариб олмақчи, бир тўда “зўр”лар ўзининг одамни “катта” қилмоқчи, хуллас, арининг уяси бузилган-у, асаларини гўмдон бўлган. Муболагасиз айтганда, вазият издан чиққан, назорат йўқолганди. Шикоятчилар обком биносига кириверишдаги зинапояларга тўшақ ташлаб ўтириб олганча, ҳатто тўнлари ётиб қолиб, биринчи раҳбарни пойлади. Узоқ қишлоқлардан одамлар пийёда кунлаб йўл босиб, Қаршига оқиб келади. Ана шундай шароитда вилоят ахли янги раҳбардан мўъжиза кутгани ҳам борга, чунки аҳолини ўнлашнинг реал имконияти қолмагандек, “кўзадан чиқиб кетган жин қайтиб жойига кирмайдигандек” эди. Ислам Каримов ана шундай кунларда вилоятга раҳбар бўлиб борганди.

Биз ҳам яхши иситилмаган улкан хонада бугун мўъжизанинг ilk дафъа учкунлари содир бўлишини кутиб ўтирардик. Белгиланган вақт бўлди. Нафаслар ичга яна чуқурроқ тушиб, нигоҳлар саҳнага ўқдек қадалди. Аммо, таасуфки, минборда бирор кўринавермасди. Шу аллозда дастлабки беш дақиқа ўтди. Зехнлар борича очилди, интиқлик боттар кучайди. Бироқ ўн дақиқа ўтганда ҳам биринчи раҳбарнинг қораси кўринмасди. Залда пичир-пичир, шивир-шивир бошланди. Бу ҳолга изоҳ берадиган бирор валломат топилмасди. Шу билан яна беш минут ўтди. Энди овозлар кучайиб, маломатлар ҳам оқича эшитила бошлади. Иззаттолаб қолмоқшлар бу ҳолни ўзларига нисбатан беписандлик тарзида қабул қилишганди. Нихоят, йиғирма, ҳатто ундан ҳам бир-икки дақиқа кўп ўтгач, саҳна томондан шовур пайдо бўлди ва биринчи бўлиб баланд бўйли, тик қомадли одам, издан мулозимлар кириб келди. Менинг дастлабки таассуротим — бу киши биз кўриб ўрган жиддий, башараси тунд, совуққон раҳбарларга бутунлай ўхшамасди, у кўпроқ донишмандга, алломага менгазоб кетарди. Шу дамда кўнглимдан бир иштибоҳ ўтган (рост!): домла бу издиҳомда қийналиб қолмасмикинлар?

Бошловчи Ислам Каримовни таништиргач, унга сўз берилди. Нотиқ бошида кечиккани учун (унга изоҳ бермади) узр сўради ва босиб, бир қадар ёқимли овозда анча гапирди. Ўзбекчага бир оз қийналса-да, илжочи борича русча сўзларни аралаштирмасликка ҳаракат қиларди. Унинг нутқи тушунарли ва дилга акин эди. Тингловчилар ўзларини ташвишлантириб

турган кўллаб саволларга жавоб олаётганди. “Биз халқимизнинг одамгарчилигига, ақлу тафаккурига сўянамиз, — деганди ўшанда Ислам Каримов. Билиб қўйинлар, масалаларни шовқин-сурон, бақир-чақир билан ҳал қилиб бўлмайди. Ҳамма муаммонинг ечимини ҳамжихатликда, тинч йўл билан топамиз. Ҳаммасини ҳал қиламиз”. Йиғилишдан қатнашчилар дили ёришиб, эртанги кунга ишонч билан тарқалди...

Вилоятда биринчи раҳбарнинг борлиги тезда билинди. Бирдангина дўнанилорнинг даст қирқилди, қама-қамаларга чек қўйилди. Оқсоқоллар, қайвонилар, ақли-хуши ўзида бўлган жами кишилар оёққа турғазилди. Тезда барқарорлик таъминланди. Одамлар эс-хушини йиғиб олиб, атрофига ҳушёр назар билан қарай бошлади. Жамиятда етти ўлаб, бир кесиб мўҳити юзага келди. Бу ҳол дастлабки даврда катта ютуқ эди. Шундай қилиб, туғунлар ечила борди, ихтилофларга чек қўйилди. Ростдан, маҳалла маҳалла билан, у кўча бу кўча билан (айниқиса, демократия ниқоби остида, миллий менталитет билан ҳисоблашмай ҳамма раҳбарларнинг сайлаб қўйилишига ўтиши тарафқашлик, гуруҳбозликни амалга ошириб юборганди) ёвланиб қолганди. Вилоят раҳбарининг матбуот анжуманига кенчилик қилишнинг сабаби ҳам шундай иллатнинг касри бўлган.

Чўлдаги ҳўжаликларнинг бирида директорликка “сойлов” ташкил қилинган. Икки катта гуруҳ икки “зўр”ни лавозимга тавсия қилган. Ютиб, киши ушун ҳамма йўлларини излашган, Икки томон ҳам бўй бермайди. Бир неча кун, ҳатто ҳафтагаб чўзилган можорога чек қўйиб, учун тарафлар бир жойга тўпланганлар. Вилоят, тумандан вакиллар бўлган. Даҳанаси жанг асосида бир томоннинг “лидер”и мазаси қочиб йиқилган ва қўйилмаганда шу жойнинг ўзида жон таслим қилган. Вазиятни тасаввур қилаверинг. Ур-йиқит. Эшик-дереза, стол-стулдан бутуни қолмаган. Тонг отгач, йўқотиш рўй берган томон одамлари Қаршига йўл олиб, “вилоят янги раҳбарининг шахсан ўзи” қабул қилишини, бўлмаса, билганларидан қолмасликларини изҳор этишгач, Ислам Каримов улар билан учрашишга мажбур бўлган экан.

Вилоятда тоза ҳаво кеза бошлади. Бу ўзгаришлар миллионлаб инсонларнинг кўз ўнгига содир бўлаётган эди. Одамларда умид ва ишонч, рўзгорларга рўшнолик, далаларга кут-барока кайди. “Пахта иши” билан ноҳақ қораланганлар оқланди, бундан қанчалаб шикаста дилдор малҳам топти. Бундай тикланиш ва бунёдкорлик мазораксини Ислам Каримов ўзини жабрдийда халққа акин олиб, дарду ташвишларини баҳам кўриб, инсоний фазилатлари билан одамлар меҳрини қозониб юзага келтира олди. Ўша йиллар сиёсий ва раҳбарлик маҳоратини тўла намойиш этиш, ботинидаги бутун истеъдодини бўй-баста билан юзага чиқариш, қолаверса, ҳаёт-мамонт йиллари бўлганини бугунги кун мезонлари тасдиқлаб турибди. “Одам бошига иш тушиб, ўз кучидан фойдаланимоғунча нималарга қодирлигини билмайди” деган экан И. Гёте. Қашқадарёдаги фоолияти давомида Биринчи Президентининг бутун иқтидори юзага чиқди, хайрли ишларда намоён бўлди ва халқ ҳаётида илжобий натижалар берди, деиб айтиш мумкин.

Янги раҳбар қалтис вазият қаршида эсан-кираб қолмаганини, балки ишга ижодкорлик билан ёндашиб, вақтида зарур чораларни кўрганлигини у амалга оширган ўзгаришларни бугун назардан ўтказиб, тасдиқлаш ўринли бўлади. Ечимини кутиб ётган муаммолар эса етарли эди. Улар оилавий меҳоралардан тортиб уй-жой масаласи-ю, ерларнинг шўрланиб кетишидан об-ҳаво инжикликларигача бўлган узун уяқда чўзилди ётарди. Ўша йил қишда нам деярли тушмади. Чигит экиш палласи яқинлашганда муаммо пайдо бўлди. Чўл томонларда ер қуриб кетган, ерга тушган чигит униб чиқадими, деган савол ташвиш тугдирди. Киллардир пушталарга сув тараб экишни, бошқалар чўчима уруғ қадайверишни тақлиф қилди. Бундай масалалар кўп эди, шўрларни ҳисобга олиб, Пахтачилик кенгаши тузилди. Унга тажрибали деҳқонлар, етуқ раҳбарлар, олимлар киритилди ва уларнинг тақлифи ҳал



қилувчи мавқега эга бўлди. Бошқа соҳаларда ҳам Ислам Каримов маҳаллий шароит ва тажрибадан келиб чиқиб йўл тутишга изн берадиган кўллаб ислохотлар (у янгиликларни чўчима шундай аташ мумкин) жорий қилди. Бу борада тоталитар тузумнинг темир қолиплари-ю, “юқори”нинг зуғумлари писанд эмас эди. Вилоят раҳбари аҳоли донолик билан баҳолаб, ечим топишда ирода ва жасорат намоён этганда ўша йилларда. Пахта терими учун тўланадиган 5 тийин ҳақни бирдангина 20 тийинга кўтаргани шов-шув бўлиб кетганди. У оддий меҳнатқаш одамнинг иззатини жойига қўйиб учун кўп ишлар қилди. Ҳатто таниқли шоир Абдулла Орипов Ташкентда бироз чеплатилиб қолганда, “Абдуллажон, Қаршига кўчиб келинг, Сизга ҳамма шароитни яратиб берамиз” деб катта йиғилишда айтгани қашқадарёликларнинг ёдида. (Ардоқли шоир, кейинчалик “Ислам ака мени эмас, мен Ислам Абдуганиевични қақриб олдим”, дея ҳазиллашиб юрарди).

Умуман, биринчи раҳбар сифатида халқнинг ишончига сазовор бўлганди, одамлар унга сўянарди. Айниқиса, бир воқеа муносабати билан бу ҳол яққол намоён бўлган. Нима бўлди-ю, ўзи охираги яқинлашиб қолган собиқ марказ ислохот ўтказишни истаб қолди: худудларни яқинлаштириш тадбири бошланиб кетди. Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари бирлашиши лозим экан. Бу гап чиққанда Ислам Каримов меҳнат таштилида эди. Ҳаммининг боши қотган, ахир ўз салоҳиятига эга вилоятнинг қисқатирилиши қанчалоб беш оғрикларни келтириб чиқаради? Бу хабарни кўпчилик изтироб билан қабул қилди (тўғри, ҳали ташкил этилмаган вилоятда қўлбола тайинланган баъзи раҳбарлар янги лавозимни “ювиш”га ҳам улғурди), лекин одамларнинг қўли ишдан совиб, ҳафсаласи пир бўлди. Вилоят газетасида ишлайман, қарийб бир ой девяри иш бўлмаган, фақат “Бу ёни нима бўлар экан?” деган муҳокама. Энди бугун биз ўшанда Ислам Каримов (таътил ҳам татиманган) юксак сиёсий салоҳиятини намойиш этиб, марказдаги қарор тўғри йўл кўрсата олгани ва фойдадорий қарор бекор бўлганини билиб турибмиз. Ислам Каримов чинакамига Қашқадарёнинг устунига айланган эди. Республикага биринчи раҳбар бўлиб кетганида ҳам тоталитар тузум тартибларини ислоҳ қилишга иродаси етарли эканини Қашқадарё мисолида исботлаганди: доимий равишда рус миллатидан марказнинг вакили сифатида тайинланиб келган обкомнинг иккинчи қотиби лавозимга маҳаллий миллат вакилини қўйган эди. Қашқадарё унга неча ўн йиллардан бери босиб турган зирҳни парчалаб ташлаш қудратини ато этганди гўё!

Маълумки, Биринчи Президентимиз Қашқадарёни ўзгача қувонч ва фтиҳор билан эслар эди. Бу шунчаки ширингүфторлик, ҳатто туз ҳурмати эмас, балки новкиронлик чоғларига, ўзини танитган, тайин этган умрига, фараҳли йилларга шўқроноси ҳам эди. Ислам Каримов етарли раҳбарлик тажрибаси ва куч-қувватга тўлган бир паллада Қашқадарёга келди. Назаримда, у мазкур худудда бошқа бир манзарога дуч келди. Умри тор йўллар оро кезиниб, қоғозлар уммонига кўмилиб ўтган бўлса-да, бу жойда у белоён кенгликларга рўбарў бўлди, меҳнатқаш далалар мусаффо нафасини туйди, умри далада ўтган, бири икки бўлмаса ҳам яшадан чарчмаган, бир тўй қилиб, борини сочиб ҳовридан тушадиган танти, дўлвор одамларни учратди. Аксарият расмий муомалалар, силлиқ илтифотлар қур-

шовида яшаган бўлса, бу жойда жайдари, ҳатто, бир оз тўпори, лекин содда-самимий, юраги тоза, борини бировдан аямайдиган оқ кўнгли кишиларнинг самимий гурунларига дуч келди. Шафқат тилаб турган, илтижо билан боқаётган, меҳр-хурмат тўла нигоҳлардан тўлқинланди. Битта умумий ҳолат — шохидларнинг гувоҳлик беришича (бу ҳол ТВда намойиш қилинган лавҳаларда ҳам билиниб турарди), Ислам Каримов оддий, жайдари одамлар билан учрашишни, уларнинг тинглашни, хоқисор дил розини эшитишни жон-дилдан яхши кўрган, улар билан сўхбати кўр олган. Худди ота-онасини, болалиқдаги кадрдонларини учратгандек

яйраган. Ташвишлардан сиқилиб кетганида кенгликлар бағридаги эркин мўҳитга интилган. Ўша йилларда вилоят газетасининг ижодий ходими сифатида мен ҳам ана шу қайноқ ҳаётнинг ичиде эдим. Умумий бир аҳвол — ошқоралик шарофати билан матбуот кучайган, журналистнинг обрўйи таъминланган. Москва газеталарини ўқиб, бош ойланиб кетади: ҳаётда шунча ёлғон бор экан-да! Шундай руҳдаги мақолаларга буюртма юқори. Биз, албатта, ўзбекона андишани ёддан чиқармаган ҳолда бозан тақдид қилар, “доларб мавзу”лардаги мақолаларга қўл урар, бу эса ижодий ўсишга туртки бўларди. Бошида байроқ топширишга боғишланган йиғилиш юзасидан ахборотни эплаб ёзолмаган бўлсам, шундай муҳитда улғайиб, фоолиятимнинг бешинчи йилида ичкиликбозликка берилган юртдошимизнинг фожеаси ҳақида қаттиқгина эссе ёзишга ва у газетанинг уч-тўрт сониде давомли эълон қилинишига эришдим. Бу ҳолни ҳам вилоятда юзага келган соғлом мўҳитнинг ҳосиласи деб биламан. Шунингдек, муҳбир сифатида биринчи раҳбар ўтказган йиғилишларда иштирок этар, шунда бутун вилоят ахлининг эътиборида бўлган шахсни обдон кузатар, гапларининг мағзини қақшига интилардим.

Обкомнинг кичик залида юзага чиқаётган турли норосий ташкилотлар, партияларга муносабат билдиришга доир йиғилиш бўлди. Биров у деди, биров бу деди, хуллас, охирида ҳамма фикрларни умумлаштириб, Ислам Каримовнинг шундай дегани ёдиде қолган: “Биз тафаккурда юз бераётган ҳар бир ўзгаришга ҳурмат билан қарашимиз керак. Ҳозиргача бошимизни эгиб юришга мажбур бўлганимиз ҳаммангизга аён. Ўзини оппозиция деб эълон қилаётган гуруҳларни менсимаслик ёки уларга бегона кўз билан қараш ҳам тўғри эмас. Уларнинг сафиде ақли одамлар ҳам бор. Уларни ёппасига қоралаб бўлмайди...”. Кейинги бир сафар биринчи қотибнинг иш қабинетида бутуниттифоқ 19-партконференция муносабати билан йиғилиш бўлди. Тор доирада ўтган тадбирда матбуот ходими ҳам қатнашди. Конференцияга чет туманлардан биридаги чорвачилик фермасида ишлаётган сўт соғувчи ҳам делегат қилиб сайланган эди. Гап кўпроқ аёлни қандай аллозда Москвага кузатиш ҳақида бўлди. Турли тақлифлар, ҳатто сочини қандай турмақлашга доир масоҳатларгача айтилди (тузум каби унинг тартиблари ҳам қулғили эди). Мўҳокамалар охирида биринчи раҳбар сўз олиб, жиддий фикрлар билдирди. Жумладан, бу машварат партия ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. (Маълумки, ўша конференцияда тузумни сақлаб қолиш йўлида сўнги ҳаракатлар рўй берган, бироқ нафи бўлмаган). Фикрини яқунлай туриб, шундай дегани ёдиде: “Биз мураккаб даврда яшаймиз. Унга муносабатда ҳар бир кишининг ўз сиёсати бўлиши лозим”. “Ўз сиёсати”, бу — ўзини инкишоф этиш, ўз йўлини топиш, ўзлигини намоён этишга даяватга ўхшайди.

Албатта, мамлакат раҳбарининг қиёфаси ҳар бир фўқаро онгу шуурда ўзига хос тарзда акс этади, муҳрланиб қолади. Ҳаёлдаги тимсоллар бир-бирини тақорламаганидек, бир-бирига ўхшамайди ҳам. Жуда кўп фазилатлари билан эсда қолган Ислам Каримовни яна мен атрофидаги воқеаларга ҳушёр, шу билан бирга уларга нисбатан лақойд эмас; тезда ўз муносабатини билдирадиган, ҳеч бир нарсани фаромуш қилмайдиган ва эсида узоқ сақлайдиган, тез қарор қабул қиладиган,

бирон майда-чуйдани ўтказиб юбормайдиган раҳбар сифатида эътироф этганман. Илк матбуот анжуманидаёқ ўрта қаторларда бошқа ҳамкасбининг панасида мурғилаб ўтирган ходимга танбех бериб, залдан чиқариб юборган. Қизиги, бир йилдан кейинги шундай машваратда яна шу ҳол тақорланган, мудраганими, гап сотиб ўтирганми, бир аёл қаттиқ танбех олган. Хулоса шуки, бундай кишилар билан ишлаш кишини чинқироди, қамолга етказоди.

...Пойтахтга келиб, иш бошлаганимда, энди республиканинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаётган Ислам Каримовга тақлифларини изҳор этиб вилоятдан туриб ёзган бир хатим юзасидан Президент кенгашининг аъзоси Бахтиёр Назаров қақиртириб сўхбатлашди. Бунчалик эътибордан жуда мамнун бўлдим. Мамлакатимиз тарихида ўчмас бўлиб қолган 1991 йил ўзгача шўқуқ билан бошланганди. Шу йил “Халқ сўзи” газетаси ташкил этилди ва унинг биринчи сони 1 январда чиқиши мўлжалланди. Катта воқеа муносабати билан эзгу ниятларни чинқилга туғиб, миллий аъналаримиз асосида машварат уюштирилди. Қуръон тиловати. Удмулоримизга кўра қўй сўйилган. Ҳозирги етти қаватли газеталар бизнесининг ошқонсиде дастурхон тузалапти. Биз ходимлар, елиб-юғуриб хизмат қилаёلمиз. Негадир ҳаракатларни мувофиқлаштириш қийин кечмоқда. Хуллас, тайёргарлик анча чўзилиб, юмушлар ўлда-жўлда бўлиб қолди. Соат ўн иккидан беш дақиқа ўтган. Ошқонга кириш эшигининг тўғрисида юқорироқда Анвар Жўрабоев (бош муҳаррир ўринбосари), ичкарироқда мен тургандим. Ташқарига қарасам, биласизми нима бўлапти, шаддам қодамлар билан Ислам Каримов кириб келаяпти. Ҳеч қандай кузатувчисиз, дабдабасиз. Мен азбаройи Қаршида кўп кўрганимдан бирдан танидим ва Анвар акага ҳаяжонланиб, “Ислам Каримов...” дея олдим, холос. Бу пайтда меҳмон бизга яқинлашиб қолган, олдин Жўрабоев, кейин менинг қўлимни олиб саломлашишга ҳам улғурган эди. Биз оҳанрабога тортилган темир қуқунлариде ул зотга эргашдик. “Чироклари ёнмайди?” деди хира ёритилган кенгина золга ишора қилиб. Кейин “Хафа бўлманлар, ҳали сизлар билан ёруғ хоналарда кўп учрашамиз” деди оталарга хос ўтқамлик билан. Шу аҳёнда одамлар пайдо бўла бошлади. Меҳмон тўрға ўтиб, пальтосини ечишга тутинди. Кимдир тез бориб, пальто ва шарфни олди. Энди уларни ошига тўтқич топиладими, кийимларни столга қўйишдан бошқа чора йўқ эди. Ҳализамон турфа одам йиғилиб бўлди, Президент раҳбарларнинг қуршовида қолди. Тезда столлар қаторлаштирилди, минбар тайёрланди ва йиғилиш бошланди. Бу воқеа юзасидан эртасига газетанинг биринчи саҳифасида сўратлар билан “Бу кунни эсларлар...” сарлавҳали ҳисобот эълон қилинди.

У дамлар бугун толатини олам кўриб, ҳайратланаётган гўзал юртимизнинг тетапоя кунлари эди. Ўтган йиллар осон кечмаганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Ана шу издиҳомда Биринчи Президент қаторнинг бошида бўлди, жиловни маҳкам тутиб, сафни мардона олға бошлаб борди. У кунлар шонли тарихнинг эрҳал саҳифалари битилаётган муборак айёмлар эди. Биз, ўша кунларнинг гувоҳлари ҳам оламшумул воқеалар ичиде яшайётгандик. Ҳамма умидлар, эзгу ниятлар бир шахсга боғланганди. Агар ўтган йилларнинг изтиробли, серташвиш лаҳзалари билан бугунги доруломон кунларимизни таққослаб кўрсак, босиб ўтилган йўлнинг нечоғлик тарихийлигини ҳис этамиз. Ана шу юксалишининг олдинги қаторида Ислам Каримов турган эди. Ул зотнинг босиб ўтган йўли кўпларга мактаб бўлди, ўз даврида ҳам, келажакда ҳам унинг сабоқлари кўп асқотади. Ҳамма юртдошларимиз қатори мустақиллик, Ислам Каримов даври менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. Президентнинг 1997 йил январдаги Чехия ва Словакия Республикаларига расмий ташрифини муҳбир сифатида ўзим ишлаётган “Халқ сўзи” газеталарида ёритиб бехтага муаяссар бўлдим. Қолаверса, туз-насиба экан, ун йил Президент девониде нуфузли маҳкамда ишлаш ҳам насиб этди...

Киши умрининг ёруғ лаҳзаларини эслаганда, уни теран бир мамнунлик ҳенди чулғаб олади. Албатта, бу учрашувлар менда ҳам ёруғлик кўзгайдиган ва мамнуният ўйғотадиган лаҳзалардир. Ислам Каримов ана шундай миллионлар қалбиде нури хотиралар билан муҳрланган зот. Уни тақдир унча-мунча кишига насиб этмайдиган саодат билан сийлаган эди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ, журналист




Бизнинг шарҳ

ТОЗА ҲАВО — БЕБАҲО БОЙЛИК

ЎХУД АТМОСФЕРАГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИС ГАЗИ ЭКОЛОГИК ВА САЛОМАТЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРГА САБАБ БЎЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Атмосфера — Ер шарини ўраб, у билан бирга айланувчи ҳаво қобиғи. У Ерға қўйиш нурини ҳаёт учун зарур миқдорда ўтказиб, унинг иссиқига илжон яратади ва заминдан қайтаётган нурларнинг фазога тарқалиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳол Ерни совиб кетишдан сақлайди ва ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришига тўққинлик қилади. Акс ҳолда сайёрамиз атмосферасиз ойга ўхшаб “ўлик” жисмга айланган, дарё, денгиз, океан ва музликлар эса бузланган ҳолда фазога тарқалиб кетган бўларди.



Бироқ бугун табиий ва антропоген омиллар, хусусан, транспорт, электростанция ва саноат корхоналари чиқараётган тўтунлар, ўрмон ёнғинлари атмосферани ортқича ифлослантираётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу, ўз навбатида, глобал иқлим ўзгаришлари, озон туйнуқи кенгайиши, Антарктида музликларининг эриши каби глобал экологик муаммоларга сабаб бўляпти. Бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти ҳар йили 4,6 триллион АҚШ доллари миқдорда зарар кўрмақда. Америка илм-фанни ривожлантиришга кўмаклашиш ассоциацияси маълумотларига қараганда, ҳавонинг ифлосланиши тўғрисида юзга келадиган турли касалликлар оқибатида дунё бўйича ҳар йили 5,5 миллиондан зиёд киши ҳаётдан қўз юмаётир. 2017 йилнинг 4-6 декабрь кунлари Кениянинг Найроби шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳитни муҳофазо қилиш масаласида ўтказган йилгиликда ана шундай рақамлар тилга олинди.

— Биз ҳар куни эҳтиёткорлик билан келиб чиқиб овқатланамиз, сув ичамиз, нафас оламиз, — деди йилгиликда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. — Бу билан ҳавони, тўпроқни ва океанларни билиб-билмай ифлослантираётганимиз ҳам бор гап. Бунга нафақат саноат корхоналари, балки ўзимиз ҳам айбдоримиз. Машиини ҳаётимизда ҳар куни таркибига кимёвий қўшимчалар мавжуд бўлган маҳсулотлардан фойдаланамиз. Аслида табиатга зарар етказмастай ҳам бўлмайди. Атроф-муҳит ифлосланишига қарши курашиш дунёда қашшоқлик даражасини камайтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларни етарлича иш ўринлари билан таъминлаш, иқлим ўзгаришларини бартараф этиш, ҳам қуруқлик, ҳам денгизни турли салбий таъсирлардан ҳимоялаш имконини беради. Шу ўринда бир мулоҳаза: атмосферанинг озон қатлами — қурраи заминимизда ҳаёт мавжудлигининг энг муҳим шартларидан бири, бироқ инсониятнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижасида сайёрамизни қўйиш радиациясидан ҳимоя қиладиган “табиий филтёр” тобора юқолашиб бормоқда. Атмосферадаги мавжуд озон миқдори уч миллиард тонна бўлиб, у ҳавонинг миллиондан оқ фоизини ташкил этади. Бу қатлам қўёнинг таъминан 90 фоиздан зиёд миқдордаги зарарли ультрабинафша нурларини ютади. Бунинг натижасида у ердаги барча тирик организмни асраб қолади.

Бироқ бугун завод ва электр станциялар, ўрмон ёнғинларидан чиқётган ис газ, одамларнинг ўз эҳтиётлари учун ёқилиш ва ёнигиш ишлатиши оқибатида атмосферанинг Антарк-

тидадаги қисмида йирик озон туйнучлари ҳосил бўлган. Мутахассислар сўнгги йилга йил ичида атмосферага чиқариладиган озонни емирувчи моддалар ташланмаси миқдори гарчи камайтирилган бўлса-да, лекин озон қатлами фақат 2060-2075 йилларга келиб тўлиқ тикланиши мумкинлигини айтмоқда. Бугун озон қатламини муҳофазо қилиш, иқлим ўзгаришлари билан

боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида муҳим халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Улардан бири Монреаль протоколдир. Мазкур протокол дунё мамлакатлари томонидан 1987 йилнинг 16 сентябрида озон қатламини емирилишининг олдини олиш мақсадида имзоланган. У озон қатламини зарар етказувчи хавфли моддаларни ишлаб чиқаришни ман этиди. Мазкур протокол доирасида 100 дан зиёд захарли моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга нисбатан таъқиқ ўрнатилди. Ана шу моддаларнинг аксарияти глобал иқлим ўзгаришларига сабаб бўлиши билан хавфлидир. Шу боис БМТнинг Соёқ Бош котиби Кофи Аннан унга “Монреаль протоколи балки энг муваффақиятли ягона халқаро келишув бўлган” деб юқори баҳо берган эди.

2017 йилнинг 20-24 ноябрь кунлари Канаданинг Монреаль шаҳрида мазкур протоколни имзолаган иштирокчи-давлатларнинг 29-йилгилиши бўлиб ўтди. Унда ривожланган давлатлар озон қатламини емирилишига қарши курашиш учун 540 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиши розилик билдириди. Ушбу маблағни ривожланган мамлакатлар 2018-2020 йилларда Монреаль протоколида назарда тутилган вазибаларни амалга оширишга қаратилган жамғармага ўтказиб беради. 1991 йилдан буён озон қатламини емирувчи кимёвий моддаларга борҳам бериш учун ушбу жамғарма 3,7 миллиард доллар ажратган.

Ажратилган маблағ бу сафар Кингдони келишувидан илгари сурилган мажбуриятларни амалга оширишга йўналтирилди. Мазкур, 2016 йил 10-14 октябрь кунлари Руанда пойтахти Кигали шаҳрида Монреаль протоколи иштирокчи-давлатларининг 28-йилгилишида гидрофторуглеродларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни босқичма-босқич камайтиришга келишиб олинган эди. Чунки гидрофторуглеродлар глобал иссиқга таъсир кўрсатувчи буюнча газ миқдорини асради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига қараганда, дунёнинг 92 фоиз аҳолиси, яъни ҳар ўн кишидан тўққиз нафари ифлосланган ҳаводан нафас олади. Ер сўнги йўлдошлари ҳамда 3 миңдан зиёд тадқиқот станциялари олиб борган изланишлардан сўнг ана шундай хулосага келинди. Ташкилотнинг жамоатчилик саломатлигини муҳофазо қилиш департаменти раҳбари Мария Нейра ушбу рақамнинг ўзи ҳам муаммо қанчалик долзарб эканидан далолат беришини таъкидлади. “Ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ салбий ҳолат дунёнинг деврли барча мамлакат ва ижтимоий қатламида дахл қилмоқда. Бу жамоатчилик саломатлиги масала-

сидаги фақуллода ҳолатдир”, деди у. Дарҳақиқат, ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлигига бевосита зарар етказди. Заҳарланган ҳаводан нафас олиш инсулт, юрак, ўпка, ўткир респиратор инфекцияли касалликлар ривожланишига туртки беради. Бундан, айниқса, балалар кўп азият чекади.

БМТ Балалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) яқинда тайёрлаган маърузада айтилишича, дунё бўйича бир ёшгача бўлган 17 миллион бола заҳарланган ҳаводан нафас олади. Ҳар йили 1 миллион 700 миң бола ҳаводан заҳарланиш оқибатида ҳаётдан қўз юмади. Ифлосланган ҳавонинг муайян зарарчаларини ичга ютиш миқдори тўққималарига зиён етказиб, боланинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Британиялик олимлар олиб борган тадқиқотлар шунки кўрсатдики, Лондон шаҳрида ҳавонинг ифлосланиётгани чақалоқларнинг меъёрага нисбатан ҳам возили бўлиб тувилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ташкилот ҳавонинг ифлосланиши юқори даражага кўтарилган пайтда болалар билан саёхатга чиқмаслигини таъкидлаётди.

Хитойнинг шимолий қисмида ҳаво ифлосланиши одамлар умрига зомин бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, мамлакатда ҳар йили 1,6 миллион киши ҳавонинг ифлосланиши натижасида юзга келадиган турли касалликлар оқибатида ҳаётдан қўз юмади. Бу кунга 4 миң 400 киши дегандир. Ҳукумат саноат корхоналари чиқарадиган чиқиндиларга нисбатан қатъий чоралар кўраётганига қарамай, бу мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконини бермаётти. Сўнгги йилларда Хитойнинг Пекин шаҳрида ҳавони қуруқ қоплаши билан боғлиқ салбий ҳолатлар тез-тез кузатилаётди. Бунга мазкур шаҳарда ҳаракатланётган автомобиллар, кўпир воситасида ишлайдиган электростанциялар сабаб бўляпти. Шаҳар маъмурияти бу муаммони ечиш учун ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан тўлиқ чиқа олмайпти. Олимлар қурумдан халос бўлиш учун нафақат Пекин шаҳри, балки унга сарҳаддош бўлган бошқа шаҳарларда ҳам кўпир ва нефть маҳсулотларидан фойдаланишни чеклаш лозимлигини таъкидламоқда. Чунки қуруқ мазкур шаҳарга ҳаво оқимлари воситасида мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ҳам кириб келаётди.

Мамлакатнинг айрим шаҳарларида муаммога ечим топишда муайян натижаларга ҳам эришилмоқда. Мисол учун, Хитойнинг Шэньчжэнь шаҳрида келаси йилнинг охирига қадар (аҳолиси 11,91 миллион) оддий автобуслар ўрнига электр автобуслар эгаллаштирилиши. “BYD” компанияси ишлаб чиқарган электр автобуслар қантовнинг йўлга қўйилиши шаҳарда ҳавонинг кўтариладиган захарли газлар миқдорининг камайтиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда шаҳар кўчаларига 14 миңга ана шундай электр автобуслар ҳаракатлана бошлади.

Мамлакатимиз ушбу масаланинг долзарблигини инобатга олиб, 1993 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига қўшилиди. Мазкур халқаро ҳужжатлар талаблари ижроси доирасида мамлакатимизда тегишли миллий дастур ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш бўйича мустақкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилаётди. Мазкур йўналишда амалга оширилган илмий ва амалий ишлар муҳим самаралар бермоқда. Юртимизда озонни емирувчи моддалардан фойдаланиш тўхтатилиб, саноатнинг бу тармоғида экологик соф технологиялар жорий этилди. Озонга зарар етказувчи

моддаларни зарарсизлантириш, совутиш жиҳозлари ҳамда воситаларига техник хизмат кўрсатиш амалиёти такомиллаштирилди. Бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида инновацион лойиҳалар довом эттирилмоқда.

Ўтган даврда ушбу лойиҳалар доирасида саноат корхоналарини модернизациялаш, мутахассисларнинг малякасани ошириш, илмий-амалий ишларни такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар бажарилди. Вена конвенцияси талаблари ижроси ҳамда Миллий дастур доирасида озон қатламини емирувчи моддаларни босқичма-босқич муаммолардан чиқаришни таъминлаш мақсадида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни озонга хавфсиз маҳсулотларга ўтказишни қўллаб-қувватлаш, озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибиде улар мавжуд бўлган маҳсулотларни утилизация қилиш тизимини ишлаб чиқиш, ушбу моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Дунё экологлари атроф-муҳит муҳофазасига нафақат давлат ёки ҳукумат бош-қош бўлиши, балки ҳар ким ўз ҳиссасини қўйиши лозимлигини таъкидламоқда. Улар оддий қондалар бўлиб, унга амал қилиш ортқича қийинчилик туғдирмайди. Биринчи қоида чиқиндиларни саралаш билан боғлиқ. Чиқиндиларни турига қараб алоҳида идишга жойлаштириш лозим. Масалан, ривожланган мамлакатларда аллақачон ҳар бир чиқинди тури учун алоҳида қўтилар жорий этилган. Хоҳишга қўра, банка ва шишадан ясалган бошқа идишларни ана шундай маҳсулотлардан фойдаланадиган корхоналарга, қозғ, эскирган китоб ёки газета-журналларни эса мақулатурага топшириш мумкин. Чироқлар, симобли ўлчанич, аккумуляторлар ва бошқа электрон қуримларни бошқа чиқиндилар билан аралаштириб ташламоган маъқул. Чунки бундай чиқинди турлари саломатлик ва экологияга салбий таъсир кўрсатади.

Автомобиль — атмосферага чиқарилаётган захарли моддаларнинг асосий манбаи саналади. Ўт олдирилган автомобиль ўзидан инсон саломатлиги учун зарарли бўлган углерод ва азот оксиди, олтингурут сингари захарли моддалар чиқаради. Шу боис автомобиль ёнилишини тежаш орқали атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ҳисса қўйиш мумкин. Бунинг учун автомобиль ҳайдовчилари ўз машиналаридан воз кечиши, фақат жамоат транспорти ёки велосипеддан фойдаланиши шарт эмас. Автомобилда ҳаракатланиш чоғида иложи борича камроқ ёниги сарфланса бўлгани. Автомобилда саатига 60-90 километр тезликда ҳаракатланиш меъёрий ҳолат саналади. Бундай суръатда ҳаракатланиш орқали ёниги 20 фоизга тежаш мумкин. Шунингдек, бирор жойда, масалан, ёниги қўйиш шохобчаларида узоқ муддат навбат кутиб қолган пайтда автомобиль моторини ўчириб қўйиш, ҳам ёнигини иқтисод қилиш, ҳам ён-атрофнинг тўтун билан ортқича зарарланишидан ҳимоялаш имконини беради.

Экологлар атроф-муҳитга зарар етказмайдиган материаллардан тайёрланган маҳсулотлардан фойдаланишни маслаҳат беради. Масалан, полиэтилен ёки елим идишлардан иложи борича фойдаланмоган маъқул. Чунки улар узоқ вақт давомида йўқомайди. Қолаверса, бундай турдаги чиқиндилар ёқилганда четда қолган тўтун чиқаради ва атмосферага жиддий зарар етказди. Шунинг учун, бозор-ўчарга чиққанда полиэтилен пакетлар ўрнига илдан тўқилган халтачалардан, саёхатга чиққанда картондан ясалган идишлардан фойдаланган маъқул.

Она табиат эҳтиёткорлик, тежамкорлик ва тозаликни ёқтиради. Унинг мусаффолигини сақлашга ҳисса қўйиш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Шаҳзод ҒАҒФОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



ПАНДА ШАКЛИДАГИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

Хитой шимолидаги Шаньси провинциясида панда шаклидаги қувватли 50 мегаватт бўлган қўйи электростанцияси қурилди. Бу ҳақда “Korrespondent.net” хабар тарқатган.

“Panda Green Energy” компанияси вакиллари айтишича, электростанциянинг нооддий қўйиши ёш хитойликларни илҳомлантириш уларни қўйи энергиясидан фойдаланиш масаласига қизиқтириш, шунингдек, сайёҳларни жалб қилиш имконини беради.

Лойиҳа БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Компания панда шаклидаги электростанцияларни Марказий ва Жануби-шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам қуришга унинг қўлмоқда. Бундан ташқари, компания қола, қарқидон каби жониворлар шаклидаги лойиҳаларни ҳам ишлаб чиққан.

ҚУРИЛМА ОВҚАТ ТАКЛИФИ ҚИЛАДИ



АҚШнинг “CaliBurger” тез овқатланиш тармоғи ўз рестораниларидан бирини мижозини юзиш танаиб қоладиган ва у тамаддихонага аввалги таширифи чоғида бюртма қилган таомнамани таклиф қиладиган қурилма ўрнатди, деб ёзади “techvesti.ru”.

Агар тизим муваффақиятли иш кўрсатса, бундай қурилмалар бутун тармоқ бўйлаб татбиқ этилиши, ҳатто сотувчи-кассирлар ўрнига эгаллаши ҳам мумкин. Юзни таниб олиш технологияси “NeoFace” деб аталади, у вақтни анча тежайди ва навбатни камайтиради. Бундан ташқари, қурилма нафақат мижозни ва у маъқул кўрадиган таомларни, балки унинг бан картаси маълумотларини ҳам эслаб қолади. Шундай экан, иккинчи бор келганда тўлаш учун пин-кодни киритиш ва картани терминалга жойлаштиришга ҳолат қолмайди.

АВТОМОБИЛЬ-“ТРАНСФОРМЕР”



“Four Link Systems” компанияси муҳандислари “Earth-1” номли трансформер қўйишидаги илк электр автомобилини ишлаб чиқарди, дейилади “dailytechinfo.org” сайтида.

Автомобиль дизайнини расмом Қунио Окавора тайёрлади. Электркор шаклини ўзгариш учун каркасадан ясалган. Автомобиль илҳом қўйишида ишланди. Бироқ машина бўқилиш ва кенгайиш хусусиятига эга. Машина кенгайганида узунлиги ва тезлиги ошади. Унинг би қўйишидан иккинчисига “трансформация” си машина салониде жойлашган махсус манипулятор ёрдамида амалга оширилди. Бундай турдаги машиналарни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган деталлар бозорларда мавжуд бўлмагани боис муҳандислар уларни нолдан ясагани тўғри келди.

Ҳозирда “Earth-1” ўстида сўнгги синовлар ўтказилмоқда. Шундан сўнг у оммовий равишда ишлаб чиқарилади. Машинанинг нархи 70 миң долларга баҳоланмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Рангин дунё

“БАРЧА ФИЛЬМЛАР ТЕНГДИР”

БУ — ФРАНЦУЗ СИНЕМАТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ САНАЛАДИ

Париж шаҳрида жойлашган Француз синематикаси дунёдаги энг катта фильмлар ҳамда кинотасмаларни сақлаб қолиш, уларни қайта ишлаш ҳамда келгуси авлодга етказиш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирги кунда унинг фондидан 40 миңдан зиёд фильмлар ҳамда у билан боғлиқ миңлаб материаллар (сценарий, андоза, декорация, либос, техника воситалари, афиша, фотосуратлар) ўрни олган.



Кинонинг яралиш тарихи ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда дарров Голливуд гавдаланади. Кино саноати АҚШда қанча тарққий этмасин, кинематография ватани Франция саналади. 1895 йилнинг 28 декабрида ака-ука Луи Жан Люмьер ҳамда Огюст Луи Мари Никола Люмьер инсоният тарихида илк маротаба пуллик киносеанс ташкил этиб, “Лиондаги Люмьер фабрикаси ишчиларининг қизиқиш” номли бир дақиқали қисқа метражли фильмини намойиш этган. Шу боис синематиканинг Париж шаҳрида ташкил этилиши рамзий маънога ҳам эга. Француз синематикасига 1936 йилда киношунос олим Анри Ланглюа асос солган. У мактабда ўқиб юрган пайтларидеки кинога меҳр қўяди: ўқувчилик йилларидан бошлаб эски кинофильмларни йиға бошлади. Анри Ланглюа синематиканинг биринчи раҳбари саналади. Эски кинотасма ва кинога оид буюмларни йиғиш ҳамда уларни келажак авлодга етказишга муносиб ҳисса қўлади. Таниқли француз шоири, расмоси ва режис-

се сёри Жан Кокто Анри Ланглюага “Ҳазинамизни қўриқловчи аждар” деб таъриф бергани бежиз эмас. Ланглюонинг француз, шунингдек, жаҳон кинематографиясига қўшган ҳиссаси муносиб эътироф этилиб, 1974 йилда “Кинематографияни сақлаб қолгани учун” номинацияси бўйича АҚШ киноакадемиясининг “Оскар” мукофотига сазовор бўлди.

Синематика 2005 йилдан Парижнинг Берси туманида меъмور Фрэнк Гери ўзига оқ услубда бунёд этган иншоотда фаолият кўрсатади. У бундан аввал 1937 йилда Эйфель минораси қарши-

да бунёд этилган ҳашаматли Шайо саройида эди. Синематика гарчи хусусий ташкилот макомини сақлаб келаётган бўлса-да, бироқ бюджетининг маълум бир қисми давлат томонидан қопланади. У ҳар йили 100-150 та янги кинофильм харид қилади. Музейда тўртта кинозал жойлашган бўлиб, унда эски кинотасмалардан лавҳалар намойиш этиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, бу ерда кино музейи фаолият юритади. Унда кинога оид 600 га яқин ноёб экспонат сақланади. Музейдаги экспонатларнинг муайян қисми кинорежиссёрлар ҳамда актёрлар томонидан тақдим этилган шахсий буюмлардан иборат. Музейда кино саноатига доир энг қадимий ашёларни ҳам, бугунги кунда истеъмолда бўлган қизиқарли экспонатларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, музей коллекциясидан ўрин олган француз режиссёри Мари-Жорж-Жан Мельес 1902 йилда суратга олган “Ойга саёхат” номли илк илмий-фантастик фильмида фойдаланилган афсунгар либоси томошобинларда катта қизиқиш уйғотади. Брюно Нюитеннинг “Камила Клодель” деб номланган фильм (1988 йил) да актёрлар Изабель Ажани ҳамда Жерар Депардьё роль ижро этиш чоғида кийган либослар ҳам шу музейда сақланмоқда. Шунингдек, 1920 йилга оид Чарли Чаплин автопортрети, Ман Рейнинг 1928 йилда ёзилган “Денгиз юлдузи” фильми сценарийи, “Иван Грозний” фильми учун ишланган 1945 йилга оид афиша ҳамда унинг образи учун фойдаланилган либос, америкалик ихтирочи Томос Эдисон ишлаган фонограф, 1960 йилда Альфред Жикко суратга олган “Жиннилик” кинофильмида фойдаланилган бош суғи макети каби экспонат-

лар музей экспозициясини безаб турибди. Бундан ташқари, ҳаракатланувчи расмларни намойиш қилиш учун мўлжалланган қурилма — фенакстикоп, турли даврга оид кинопроекторлар, киноаппаратлар ҳам ҳеч бир кино илҳомландини бефарқ қолдирмайди. Муассасада фаолият қўсатувчи ресторан кино муҳитига мос равишда безатилган. Масалан, бу ердаги столлар кинотасма шаклида ишланган. Синематика кутубхонасида фильмлар ҳақида атрофлича маълумот олиш мумкин. Унда 23 миң 500 китоб, 500 журнал, 1,2 миң фильм сақланади. Фильмлар қандай яратилишини билишни истовчилар учун махсус курслар ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилади. Унда ҳар бир кинонинг яратилиши билан боғлиқ маълумот эга бўлиш мумкин. Вақт ўтиши билан эски фильмларга нисбатан қизиқиш қўчайиб бораверади. Бёзсан томошабинлар эътиборидан четда қолган ёки танқидчилар салбий баҳолаган кинофильмлар йиллар ўтгач “қайта туғилиб”, санъат дурдонаси сифатида эътироф этилиши мумкин. Ҳозирда юксак баҳоланган айрим киноасарлар эса йиллар ўтгани сайин ўз қийматини йўқотиши ҳам кинематография тарихида кўп бор кузатилаган. Шу боис Ланглюа ва унинг издошлари кинематография архивини ташкил этётганда “Барча фильмлар тенгдир” ширини асосий мақсад қилиб олган. Унинг тўрт залда мошҳур кинофильмлардан тортиб, олмага у қадар таниш бўлмаган киноасарлар ҳам тенг намойиш этилади.

Ш. ВОХИДОВ

Президент таширидан сўнг...

ВОҲАНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

«**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятга ташири давомида бу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиб, Хивани туристик зонага айлантириш борасида зарур тавсия ва кўрсатмалар берган эди.

Шу кунларда Хива шаҳрининг Ҳазорасп дарвоза ёдгорлиги рўпараси катта қурилиш майдонида айланиб, бу ерда темир йўл вокзали барпо этилмоқда. Урганчи Хива билан болловчи 33 километрлик темир йўл ётқизиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилдан «Тошкент — Хива» йўналиши бўйича «Афросиёб» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилган. Вокзал олдида улкан фаввора, ҳунармандлар растаси, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган бир қатор мажмуалар ҳам қуриляпти.

Шаҳарда ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки уста-ҳунармандлар тайёрлаётган миллий ҳунармандлик намуналари — сопол ва чинни буюмлар, юртимизнинг нафаси ва меҳри акс эттирилган турли қўринишдаги эсдалик совғалар ҳар қандай сайёҳнинг диққатини жалб этмасдан қолмайди. Ҳозирда Хивада юздан ортиқ ҳунарманд усталар фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда манзилли дастурга ососан жорий йилда ҳунармандлар шаҳарчаси ташкил этилади. Демак, ҳунармандлар сони бундан-да ортиши кутилмоқда.

Президентимиз таширидан сўнг Хива шаҳрида катта сайёҳлик мажмуалари бунёд этилмоқда, — дейди Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси директори вазифасини бажарувчи, тарих фанлари номзоди Комилжон Худойбергенов. — Тарихий обиди хисобланган Нуруллабой саройида бадиий галерея, қабуллар ўйи ташкил этилди, амфитеатр қад ростлади. Ҳунармандлар маркази тўзилди. Келгусида шаҳримиз меҳмонлари учун ресторан, кафе, миллий ошхона шохбачалари хизмат кўрсата бошлайди. Хибон-

лар, дам олиш масканлари барпо этилади. Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси билан Пахловон Маҳмуд макбароси янгидан таъмирдан чиқарилди. Бу ерга кунига ўртача 400 га яқин зиёратчи ташири буюради. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг «2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳри туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори бугунги ишларимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Хива шаҳрини дунё аҳамиятига молик, тарих ва замонавийликни ўзидо мужассамлаштирган сайёҳлик марказига айлантириш мақсадида Ичан қалъа мажмуасининг ички қисми ҳамда теварак атрофини комплекс реставрация қилиш ва қайта тиклаш ҳам дастурга киртилган.

— Тарихий обидаларнинг «умри» ни узайтириш, уларни илмий ўрганиб, асл ҳолича келажак авлодга етказиш ва дунё сайёҳлари нигоҳини мана шу муборак масканларимизга қаратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланди, — дейди Хоразм Маъмун академиясининг илмий ишлар бўйича раис ўринбосари, техника фанлари номзоди Гавҳаржон Дурдиев. — Хоразм Маъмун академияси ходимларининг кўмагида Жанубий Оролбўйи меъморий ёдгорликларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси ташкил қилинмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораторияда тарихий обидаларнинг ҳар бирини ўрганиш, жумладан, уларнинг қоришмаси, гишлари, қурилиш услуби, ер ости қисмидан тортиб то ер устки қисми томигача бўлган конструкциясини тадқиқ

этиш жараёни олиб борилади.

Хива шаҳрининг сайёҳлик қўламага назар ташласак, 2012 йилда хорижий ва маҳаллий сайёҳларга 5,5 миллиард сўмдан ортиқ хизмат кўрсатилган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 11 миллиард 390 миллион сўмга етди. Хорижий сайёҳларнинг Хоразм вилоятда ўртача қолиш кунлари 2012 йилда 1,1 суткани ташкил қилар эди. 2017 йил давомида бу кўрсаткич ўртача 1,8 суткага кўпайди. 2016 йилда вилоятдаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликларни томоша қилиш учун 33 минг 400 га яқин хорижий сайёҳ ташири буюрди. 2017 йил сўнггида бу кўрсаткич сезиларли тарзда ўсиб, 45 минг нафарга етди. Хива шаҳрининг мўтадил об-ҳавоси, сайёҳ ва дам олувчилар учун яратилаётган қулай шароит, кўрсатилаётган туристик хизматлар худудга ташири буюрувчи сайёҳлар оқимини кундан кун ортишига сабаб бўлмоқда.

Бугун туризм дунё микёсида энг сердаромад соҳалардан бирига айланиб улгурди. Тадбиқ этилаётган лойиҳаларга янги-янги инвестицияларни жалб этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш эвазига аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, шунингдек, халқаро муносабатларни ўрнатиш ва мустақамлашда ушбу соҳанинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда сайёҳлик ривожига катта эътибор қаратилгани ҳолда, юртимизнинг барча худудидоги мовжуд имкониятларни ишга солиб, туристик маҳсулотлар ва замонавий сервис хизматлари тақдим этиш йўлида жадал ишлар бажарилмоқда. Хоразм воҳосида, жумладан, Хива шаҳрида амал-

га оширилаётган бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад ҳам худуднинг туризм салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ ишга солишга эришишдан иборат.

Келгусида Хива шаҳрига ташири буюрувчи сайёҳлар ва юртимиз зиёратчилари учун барча зарур шароитларни яратиш мақсадида меҳмонхоналар ва кўнгилочар масканлар барпо этишга соҳанинг тажрибали мутахассислари жалб этилган. 2020 йилга қадар Хивада 20 га яқин жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган янги меҳмонхона бунёд этилади. Музейлар фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинади. Хоразм Маъмун академияси билан ҳамкорликда Хиванин янги сайти ишлаб чиқилиб, сайёҳлар учун рясолалар, буклет ва маълумотномалар янгидан тайёрланади.

Вилоятда «Хавфсиз туризм» концепцияси амалга оширилмоқда. Унда туризм инфра-тузилмаси объектларини видеокузатув мосламалари билан жиҳозлаш, соҳада хизмат кўрсатувчи ва сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминловчи давлат ва нодавлат объектларини яна ахборот-коммуникация тизимига улаш, маълумотлар базасини шакллантириш каби чора-тадбирлар белгиланган.

Юртимиз азалдан қадимий Буюк ипак йўли марказида жойлашган, савдо қорвонларига тўлиб-тошган, хориж савдогарларининг сеvimли диёрига айланган. Бугун худудларда замонавий индустрия, миллий-замонавий шаҳарсозлиқнинг барпо этилиши, тинч-осуда ҳаёт, кишилар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тўрт фаслни намоен этган бетакрор табиатимиз, миллий қадрият ва аъноалар тараннуми, тарихий обидалару зиёратгоҳларнинг кўплиги хорижий сайёҳларни ўзига мафтун қилмоқда. Амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар уларни янада кўпроқ жалб этган ҳолда, юртимиз меҳмонларида ижобий таассурот қолдиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Азамат САФАР,
«**Milliy tiklanish**» мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ИЛДИЗИ ҲАМ ШИФОБАХШ

Анорни «**мевадар шоҳи**» деб аташади. Чунки у ўзининг тузиллиши, таъми, фойдали хусусиятлари билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Унинг серишра, ширин, нордон-ширин ёки нордон мазали турлари мавжуд. Халқимиз бежиз «**Анорнинг ичида қанча донаси бўлса, шунча касалликларга даво бўлади**», деймайди. **Ўзбек шoirаси ва маърифатпарвари Жаҳон отин Увайсий бу борада ёзувларни шеврий топишмоқ ҳам ёзган:**



Бу на гумбаздур, эшиги, туйнугидин йўқ нишон, Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур макон? Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар, Юзларида парда тортуғлик турурлар, бағри қон.

Анор таркибида киши организмга фойдали, иштаҳа очувчи, овқат ҳазмига ёрдам берувчи ҳамда ижобий таъсир кўрсатувчи лимон, олма ва органик кислоталар, қанд моддаси (фруктоза, глюкоза, сахароза), витаминлар мавжуд. Пустилог таркибида ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино анор пустилогини милк ва ичакдан қон кетганда, пешоб ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга маҳкам сифатида ишлатган. Анорнинг янги меваси, мурabbo, ичимлик ҳолида ҳам бирдек шифобахшдир.

Тенг миқдордаги анор донаси ва узум майизи, бироз миқдорда қора зира қўшиб туйиб ейилса, қайт қилишни тўхтади, медага қувват бағишлайди. Халқ табобатида анор пустилог, меваси ва ўсимлик гули истиско (водянка), кўтир, йўтал, ичбурғ, сариқ касалликларига қарши даво сифатида қўлланилади. Анор таркибидаги танин моддаси ҳам қилиш аъзоларидаги яллиғланишни даволашда айна мудао.

Анор қонда гемоглабин миқдорини кўпайтиради, турли хасталикларга қарши иммунитетни оширади, иштаҳани очди. Иссиқ ҳароратни туширади, қон босимини мўтадиллаштиради, йўтални камайтиради.

Анор шарбати кўчи антиоксидантдир. У пешоб ва ўт ҳайдаш, аъзолар яллиғланишини даволаш, таомлар ҳазмини яхшилаш ва ичак йўллари мустақамлаш хусусиятига эга. Анор пусти қўшиб дамланган чой ўйқусизлик дардига йўлққан, асбоб тизими толиққан ва рухий зўриққан инсонлар учун фойдали. Бироқ анор шарбатини гастрит ва меъда яраси хасталигида ичиб бўлмайди. Қоринни дамлатмаслиги учун анор шарбатини сабзи ва лавлаги шарбатлари ёки қайнатилган сув билан аралаштириб ичган маъқул.

Ҳар қандай шифобахш неъматни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш зорар келтиргани каби анордан фойдаланганда меърага эътибор қаратиш лозим. Анор меваси ва илдизидан тайёрланган турли дамламаларни кўп ичиш умумий ҳолсизлик, бош айланиши, кўриш қобилиятининг сусайишига олиб келиши мумкин. Ошқозонни заифлаштириб, ундаги меъернинг бузилишига сабаб бўлади.

БИЛАСИЗМИ?

● Австралия қитъасидаги энг баланд тоғ чўққиси — Косцюшко. Унинг баландлиги 2 минг 228 метр бўлиб, Австралия Алп тоғлари тизмасида жойлашган.

ТУРФА ОЛАМ

ҲАВОНИ ТОЗАЛОВЧИ ҚУРИЛМА



«**LG Electronics**» компанияси уй шароитида фойдаланишга мўлжалланган «**LG PuriCare**» деб номланган цилиндр шаклидаги ҳаво тозаловчи қурилмани иختиро қилди.



Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, хонадаги чанг одам саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳавони назорат қилиш бўйича юқори таъсирчан ҳисоблагичга эга «**LG PuriCare**» қурилмаси уй ичида ҳаво сифати салбий кўриниш олганда чангнинг кичик зарраларини мустақил равишда йўқ қила бошлайди. Қурилма ҳатто ўнч ҳолатда ҳам ҳаво сифатини назорат қила олади. Бироқ у фақат ҳавони тозалашга эҳтиёж туғилгандагина ишга тушади. У тозаланган ҳавони 7,5 метр радиусгача бўлган масофага тарқатиш имкониятига ҳам эга. Бу хонада тоза ҳаво муҳитини сақлаш имконини беради.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

Тоҳир Истатов (сурат), ЎЗА

Фотофакт

БУХОРОНИНГ ҚАДИМИЙ ТАЛИПОЧ ДАРВОЗАСИ НЕГА ҚАРОВСИЗ?



Тарихий маълумотларга қўра, қадимда Бухоронинг 12 дарвозаси бўлган. Улардан бири Талипoch дарвозаси 1557-1598 йилларда Абдуллахон II томонидан қурилган бўлиб, Чорбақр, Жондор, Хоразм орқали Буюк ипак йўлининг шимол-ғарбий томонида олиб чиққан. Дарвоза 1960 йилда уста Аминжон Саломов ва 2005 йилда меъмор Тўйғун Бобоев томонидан қайта таъмирланган.

Аجدодларимиздан мерос тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда ушбу қадимий объект негидир қаровсизликдан хароба ҳолга келиб қолган, атрофи чиқинди билан тўлган. Мозийдан ёзуловчи ушбу ёдгорлик наҳотки мутасаддилар эътиборидан четда бўлса?